

БАНК АХБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 1-2 (1180-1181), 2019 йил 10 январь

ПРЕЗИДЕНТ: “БАНК ВА МОЛИЯ ТИЗИМИДА ЗАМОНАВИЙ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУР”



Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида ҳукумат ва Марказий банк халқаро молия институтлари кўмагида банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

“Молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш ҳам янги иқтисодий шароитда асосий мақсадларимиздан бири бўлиши керак. Бу масаланинг муҳимлиги давлат корхоналарини ислоҳ қилиш билан ҳам узвий боғлиқ. Чунки хусусийлаштириш жараёни ва унинг келгуси ривожини муқобил молия манбаларисиз тасав-

вур қилиш қийин”, деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Эндиликда янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ў.А

ОЛТИН ВА КУМУШ ТАНГАЛАРНИНГ ЯНГИ НАРХЛАРИ

Марказий банк эсдалик тангаларининг 2019 йил 2 январдан амалда бўладиган нархларини белгилади.

Унга кўра:
1 та олтин танга нархи – 13 300 000 сўм;
1 та кумуш танга нархи – 257 000 сўмни ташкил этди.
Эсдалик тангалари ҳар бирининг оғирлиги 31,1 граммдан иборат. Металлар пробаси 999,9 га тенг.

Эсдалик тангаларини сотиш нархлари (2 январдан)



Эслатиб ўтамиз, сотувга 1994–2009 йилларда зарб этилган, 2 хил олтин ҳамда 14 хил кумуш эсдалик тангалари кўйилган бўлиб, уларнинг асиллик даражаси 999,9 ҳамда оғирлиги 31,1 граммдан иборат. 2018 йил 28 ноябрдан бошлаб эсдалик тангаларини тижорат банкларининг ай-

рим филиалларида нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар асосида сотиб олиш мумкин.

Эсдалик тангаларини сотиш нархи Марказий банк томонидан ҳар ҳафтада камидан бир марта миллий валютада белгиланади.

cbu.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси мустақил Ўзбекистон тарихига жамиятни янада демократлаштириш, Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, қадимий ва доно халқимизга хос бўлган ижтимоий ғимояни кучайтиришга йўналтирилган чуқур ўйланган ислохотлар дастури сифатида кириши шубҳасиз.

ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ – ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИДИР



“ПОЙТАХТ БАНК”КА ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги “2017–2021 йилларда Тошкент шаҳрида арзон кўп қаватли уй-жойлар қурилишини кенгайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-2824-сонли қароридан “Пойтахт банк” акциядорлик жамияти ташкил этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви 2018 йил 29 декабрда “Пойтахт банк” акциядорлик жамиятига (Тошкент шаҳри) банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Президентнинг ПҚ-2824-сонли қарорига биноан, мазкур банк фаоли-

ятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади:

аҳоли ва юридик шахсларнинг уй-жойга бўлган талабларини қондириш борасида уларга ипотека кредити бериш ва банк хизматини кўрсатиш;

арзон кўп қаватли уйларни қурувчи пудрат ташкилотларига кредит ресурсларини тақдим этиш;

арзон кўп квартиралли уйларни лойиҳалаштириш ва қуриш борасида буюртмачи вазифасини бажариш;

Тошкент шаҳрида кўп квартиралли уйларни қуриш ва таъмирлашни амалга оширувчи ихтисослашган пудрат ташкилотларини кредитлаш ва лизинг хизматлари кўрсатиш;

(Давоми 2-бетда.)

ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ – ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИДИР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Шу боис, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”даги муҳим вазифаларни амалга ошириш бўйича белгиланган стратегик устувор йўналишлар мамлакатни 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини яратиш, “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастури, банк-молия тизимини ривожлантиришга оид узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш, БМТ ва ХВФ методологияси бўйича Миллий ҳисоблар тизимини жорий этиш, илғор давлат менежменти ва “ақлли бошқарув” тамойилларига ўтишга қаратилган қатор дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишни назарда тутди.

Ҳокимиятни деволуция қилиш ва марказлашмаган тизимга ўтказиш шароитида иқтисодиётни янада либераллаштириш, парламент ва суд ҳокимияти ролини кучайтиришга оид барча ташаббуслар оддий ва айна пайтда хайрли мақсадга – миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир Ўзбекистон

фуқаросининг эркин, тинч ва фаровон яшашини таъминлашга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотлар ҳақидаги хабар кенг ислохотлар дастури доирасида қўлай инвестициявий муҳитни шакллантириш мамлакатимизнинг инвестиция йўналишида ишончли мамлакат эканининг асосий кафолати ҳисобланган халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан ижобий қабул қилинди.

Шубҳасиз, янги вазифалар мутлақо янгича ёндашув ва новаторлик ечимларини қўллашни тақозо этади. Шу ўринда Президентнинг Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда мамлакатимиз ва чет элдаги хорижий ваколатхоналарнинг фаолиятини қайта кўриб чиқиш зарурлиги ҳақидаги топшириғига эътибор қаратиш зарур.

Мамлакатимиз элчилари хорижий профессионал инвестиция ҳамжамият билан беvosита алоқада бўлган ҳолда ўз фаолиятининг самарадорлигини таъминлашлари зарур. Эски ёндашувларга асосланган ҳолда бу вазифани амал-

га ошириб бўлмаслиги ҳаммага маълум. Айна пайтда, иқтисодий дипломатияга қаратилган эътибор шароитида вазирлик фаолияти таҳлили белгиланган вазифага эришиш мумкинлиги ҳамда бу соҳада ҳали қилинажак ишлар кўпчилигидан далolatдир.

Кириб келган янги йилда устувор вазифаларни амалга ошириш мамлакатимиз парламентарийсидан бор куч ва имкониятларни сафарбар қилган ҳолда ишлашни талаб этади. Зеро, янги қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқмасдан туриб, очик иқтисодиёт, соғлом рақобат учун зарур шароитлар яратиш, ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий доирани тубдан яхшилашнинг имкони йўқ. Бу эса, мазкур жараёнда иштирокчилардан юқори малака, муҳокама этилаётган предметни чуқур тушуниш ва халқаро тажрибадан хабардор бўлишни талаб этади. Биз демократлаштириш йўлида фақат танқид билан чегараланган ҳолда жараённинг ташқи жиҳатларига чалғимаслигимиз лозим.



Давлатимиз раҳбари ва сайловчилар халқ депутатларидан ислохотларни чуқурлаштириш жараёнининг кузатувчилари эмас, балки таҳлил ва қатъий интизомга асосланган ҳолда, унинг фаол иштирокчиси бўлиш, инвестицияларни фаол жалб қилиш ва ижтимоий тараққиётни таъминлаш жараёнларида иштирок этишда шахсий жавобгарликни кутадилар.

Алишер ҚУРМОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари бўйича қўмитаси раиси
ЎЗА.

“ПОЙТАХТ БАНК”КА ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

хорижий инвестициялар, шу жумладан, заёмлар ҳамда арзон кўп квартиралли уйлари қуришни молиялаштириш учун халқаро молиявий институтларнинг техник кўмагини жалб этиш;



инвестиция фаолиятини, жумладан, муҳандислик инфратузилмасини сифат жиҳатдан яхшилашни назарда тутувчи ишланмалар ва лойиҳаларни молиялаштиришни амалга ошириш;

замонавий, тежамли, энергия тежовчи ва талаб этилган қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи ташкилотларни кредитлаш;

универсал тижорат банки сифатида юридик ва jisмоний шахсларга бошқа банк хизматларини кўрсатиш.

Банкнинг устав капитали 100 млрд. сўм миқдоридан белгиланган бўлиб, 100 фоиз Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан шакллантирилган.

Банк Кенгаши раиси Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг Молия бош бошқармаси бошлиғи Исматуллаев Лутфилла Нуруллаевич, Банк Бошқаруви раиси эса Арипов Қаҳрамон Турсуновичдир.

Банк Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислom Каримов кўчаси, 55-уйда жойлашади.

cbu.uz

“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастури лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси — regulation.gov.uz сайтига жойлаштирилди. Ушбу дастурга асосан, банк-молия тизимини ривожлантириш ва валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

“ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИ МУҲОКАМАДА

Мазкур ҳужжат асосида банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш, суғурта бозорини ислоҳ қилиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, Давлат акция пакетларини “Битта акция – битта лот” тамойили асосида сотиш тартибини жорий этиш, йирик марказий халқаро депозитар-клиринг тизимлари (EuroClear, ClearStream) ҳамда Миллий рақамловчи агентликлар ассоциацияси билан қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда валюта бозорини янада эркинлаштириш тадбирлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, банк-молия тизимини ривожлантириш ва валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига биноан қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

давлат маблағлари ҳисобидан имтиёзли банк кредитлари ажратиш амалиётини тубдан такомиллаштириш;

кредит фоизини қисман компенсация қилиш имтиёзини иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига бериш амалиётини жорий этиш;

банк тизимига хусусий ва хорижий капитал кириб келиши учун қўлай муҳит яратиш, банклардаги давлат улушини босқичма-босқич камайтириш;

харажати нисбатан кам бўлган электрон рақамли технологияларга асосланган молиявий хизматларни жорий қилишни рағбатлантириш механизмининг жорий этиш;

инсон аралашувисиз кредитлаш, ҳужжатларни, шу жумладан, барча турдаги аризаларни электрон шаклда тақдим қилиш механизмининг жорий қилиш;

чакана қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилик даражасини баҳолаш ҳамда уларга кредит ажратиш муддатини қисқартириш учун автоматлаштирилган “скоринг” модели яратиш ва рақамли технологиялар асосида кредитлашга ўтиш;

республика ҳудудларида банкоматлар ва инфокиосклар сонини камида 10 мингтага ошириш;

тижорат банкларида мижозларнинг кредит сўровномасини ўрганиш жараёнини янада соддалаштириш, шу жумладан, “Кредит тарихи”дан фойдаланиш механизмининг кенг жорий қилиш ҳамда кредит тарихи институтининг хусусий сектор вакиллари томонидан ташкил қилинишини назарда тутиш;



рақамли технологияларга асосланган “виртуал банк” ва молиявий хизмат турларини янада кенгайтириш; замонавий банк хизматлари кўламини янги молиявий инструментларни жорий этиш, хусусан, облигациялар чиқариш орқали янада кенгайтириш;

маҳаллий ва халқаро банк пластик карточкалари бўйича ҳисоб-китобларда банклар орасида ахборот ва технологик ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида банклараро миллий процессинг марказини ишга тушириш;

банк тизимига юқори малакали, чет эл банкларида фаолият юритган ёш кадрларни жалб қилиш; миллий тўлов тизимини халқаро тўлов тизимлари (Visa, Master Card ва бошқалар) билан интеграциялаш; валюта айирбошлашдаги ва сотишдаги асосий чекловларни бартараф этиш, жумладан, jisмоний шахсларга нақд валютани сотиш, инвестиция олиб кирган шахслар учун валюта репатриациясини тўлиқ жорий этиш ва валюта айирбошлашни қонунийлаштириш каби муҳим вазифалар муҳокамага қўйилган.

Эслатиб ўтамиз, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастури лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамалари 2019 йилнинг 15 январига қадар ўтказилиши режалаштирилган.

М.ПҮЛАТОВА тайёрлади.

БАНК ФАОЛИЯТИ

БИЗНЕС УЧУН
КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Очиқ-ошкора ва адолатли солиқ тизими иқтисодий ривожининг муҳим асосидир. Бироқ юртимизда ҳозиргача амал қилиб келаётган солиқ маъмуриятчилигида кўплаб ноаниқликларнинг борлиги бизнес, тадбиркорлик, инвестиция соҳалари раванқига тўсиқ бўлар, солиқ ставкаларининг юқорилиги эса инсофли солиқ тўловчиларни қийнаб келарди.

Айтиш жоизки, бу каби муаммоларни бартараф этиш, солиқ юқини камайтириш ва чинакам бозор иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан халқаро тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди. Концепцияда тадбиркорлик ривожини учун катта имконият ва қулай шароитлар назарда тутилди.

Яқинда ана шу концепция мазмун-моҳияти билан тадбиркорлар ҳамда банк мижозларини яқиндан таништириш мақсадида "Ипотека-банк" АТИБ Меҳнат филиалида солиқ экспертлари билан ҳамкорликда семинар-тренинг ташкил этилди. Унда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази ўқитувчилари, "Fair Tax" масъулияти чекланган жамияти ходимлари, ишбилармонлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинар-тренингда сўзга чиққан мутахассислар жорий йилда солиқ қўнучилигига киритилаётган ўзгаришлар ҳамда қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар моҳияти хусусида сўз юритдилар.

– Янги қабул қилинган концепция бизнес, тадбиркорлик, инвестиция соҳаларини янада ривожлантиришга, иқтисодиётни эса рақобатбардош, экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва юқори сифатли хиз-



матлар кўрсатишга қаратилган, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази катта ўқитувчиси Солиқ Боймуродов. – Хусусан, жорий йилдан бошлаб солиқ турлари 19 тадан 15 гагача қисқармоқда. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизгача, дивидендлар ва фойзалар кўринишидаги даромадлар бўйича фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилди. Яна бир муҳим жиҳати, энди солиқ ставкалари аввалгига ўшаб кескин ўзгарувчан бўлмайди. Бу инвесторларга узоқ муддатли бизнес лойиҳаларини режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, товар айланмасидан ажратма тўлаш тартиби ҳам бекор қилинмоқда.

Айтиш жоизки, юқорида санаб ўтилган энгилликлар туфайли ҳам Халқаро валюта жамғармаси солиқ тизимининг ислоҳ этилишини мамлакатимизнинг энг катта ютуқларидан бири сифатида эътироф этди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган семинар-тренинг давомида соҳа мутахассислари иштирокчиларнинг барча саволларига атрофлича жавоб бердилар.

Дунё банклари қатори мамлакатимиз тижорат банклари ҳам маблағларни жамлаш, хавфсизлик ва ҳисоб-китоблар тезкорлигига асосланган пластик карталарнинг миллий ва халқаро кўринишидаги кўплаб турларини амалиётга жорий этиб, аҳолини сифатли банк хизматлари билан таъминлашда тинимсиз изланмоқда.

БЕПУЛ ПАРВОЗЛАР ВА НОЁБ
ИМТИЁЗЛАР КАРТАСИ

Жумладан, жорий йилнинг 1 февралдан бошлаб молия бозоридagi карталар сони яна биттага кўпаяди. "Ўзмиллибанк", "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва "VISA" халқаро тўлов тизими ҳамкорликда ягона брендли карта — "NAK-NBU" кобренд картаси ишлаб чиқд.

Кобренд картаси банклар ва турли компанияларнинг қўшма маҳсулоти бўлиб, бунда банк шериклари – авиаконпания, мобил алоқа оператори, тиббий марказ, озиқ-овқат дўкони ёнги бошқа йўналишда хизмат кўрсатаётган ҳамкорлар ҳам бор.

Мамлакатимизда илк бора амалиётга жорий этилаётган Ўзмиллибанкнинг "NAK-NBU" кобренд картаси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" билан шерикчиликда амалиётга жорий этилмоқда. Янгиликдан бири шундаки, мазкур VISA карта орқали кунлик харажатларни тўлаб, бепул балларга эга бўлиш ва ушбу жамланган балларни кейинчалик бепул парвозга алмаштириш имконияти мавжуд. Яъни, мижоз маълум миқдордаги баллар тўплангандан сўнг, уларни "Ўзбекистон ҳаво йўллари"даги исталган йўналиш бўйича бепул авиачиптага эга бўлади ёки эконом-класс баҳосида бизнес-классда учиб имконияти мавжуд.

Ушбу кобренд карта банк томонидан мижознинг хоҳишига биноан, АҚШ доллари ёки миллий валюта-



да очилади. Агар мижоз VISA Gold кобренд картасини очмоқчи бўлса, 150 000 сўм, VISA Platinumдан фойдаланмоқчи бўлса, 250 000 сўм тўловни амалга ошириши керак бўлади. Карта бўйича энг кам маблағ 50/100 АҚШ доллари ёки 400 000/800 000 сўм бўлиши талаб этилади. Картадаги баллар баҳоси эса карта турига боғлиқ.

Мижозларига доим қулайлик яратишни мақсад қилган "Ўзмиллибанк" кобренд картасини очиш вақтида қўшимча бонуслар тақдим этилади. Биргина консьерж-сервиси бонуси орқали дунё бўйлаб тури хизматларини ташкил қилиш ва олиш мумкин. Масалан, WhatsApp, Telegram, Viber ижтимоий тармоқларидан

фойдаланган ҳолда бизнес ва болалар учун хизматлар, саёҳат даврида тезкор қўллаб-қувватлаш ёки меҳмонхона ва турли чипталарга буюртма бериш, харидлар чоғида ҳам ёрдам олиш ва шу каби бир қатор бошқа хизматлар фойдаланиш имконияти бор.

Бундан ташқари, ушбу кобренд картаси орқали мижозлар VISA шерикларининг маҳсулотлари ва хизматлари бўйича 5 %дан 20 %гача бўлган чегирмаларга эга бўлишлари ҳам мумкин.

Кобренд картасини олиш учун паспорт билан ариза бўлса кифоя. Уч иш кунда карта фойдаланишга берилади.

Г. МАЛИКОВА

ДАВЛАТ ҚИММАТЛИ
ҚОҒОЗЛАРИНИНГ
АУКЦИОН
НАТИЖАЛАРИ

Муомала даври 6 ой бўлган давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш бўйича аукцион натижалари Молия вазирлиги томонидан эълон қилинди.

Унга кўра, 2018 йилнинг 26 декабрь кунини Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Республика валюта биржасида муомала даври 6 ой бўлган (дисконтли) 1 млн. сўм номинал қийматга эга умумий ҳажми 200 млрд. сўмлик 200 минг дона давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш бўйича аукцион ўтказди. Унда 10 нафар дилер иштирок этиб, улар томонидан 223 млрд.сўм ҳажмида 239 270 дона рақобатли буюртномаларлар тақлиф этилди. Аукцион давомида 184,1 млрд. сўм миқдоридagi 197 100 дона қимматли қоғозлар жойлаштирилди (чиқарилиш умумий ҳажмининг 98,5 фоизи).

Қимматли қоғозларни сўндириш кунини 2019 йил 26 июнь бўлиб, аукционда жойлаштирилган давлат қимматли қоғозларининг сўндириладиган умумий ҳажми 197,1 млрд. сўмни ташкил этади. Қимматли қоғозларининг ўртача даромадлиги йиллик 14,1 фоизни ташкил этиб, бунда минимал даромадлик даражаси 13,7 фоизни ва чегара нархи бўйича максимал даромадлилик даражаси эса 15,1 фоизга етди.

Шунингдек, 2018 йилнинг 27 декабрь кунини Молия вазирлиги ҳамда Марказий банк билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида муомала даври 12 ой бўлган 1 млн. сўм номинал қийматга эга, умумий ҳажми 200 млрд. сўмлик 200 минг дона давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш бўйича аукцион ўтказди. Унда 8 нафар дилер иштирок этиб, улар томонидан 229,3 млрд. сўм ҳажмидаги 225 760 дона облигацияни сотиб олиш учун рақобатли буюртномалар тақлиф этилди.

Аукцион давомида 203,1 млрд. сўм миқдоридagi 200 000 дона қимматли қоғозлар жойлаштирилди (чиқарилиш умумий ҳажмининг 100 фоизи).

Қимматли қоғозларни сўндириш муддати 2019 йил 27 декабрь бўлиб, аукционда жойлаштирилган давлат қимматли қоғозларининг сўндириладиган умумий ҳажми 232 млрд.сўмни ташкил этади.

Қимматли қоғозларнинг ўртача даромадлиги йиллик 14,22 фоиз бўлиб, бунда минимал даромадлилик даражаси 14,12 фоизни ва чегирани нарх бўйича максимал даромадлилик даражаси 14,25 фоизни ташкил этади.

2018 йилнинг 28 декабрь кунини навбатдаги аукцион эса валюта биржасида муомала даври 36 ой бўлган 1 млн. сўм номинал қийматга эга, умумий ҳажми 200 млрд. сўмлик 200 минг дона давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш бўйича аукцион бўлиб ўтди. Унда олтинча дилер иштирок этиб, улар томонидан 221,6 млрд. сўм ҳажмидаги 216 500 дона облигацияни сотиб олиш учун рақобатли буюртномалар тақлиф этилди.

Аукцион давомида 204,9 млрд. сўм миқдоридagi 200 000 дона қимматли қоғозлар жойлаштирилди (чиқарилиш умумий ҳажмининг 100 фоизи). Жойлаштирилган мазкур давлат қимматли қоғозларининг сўндириладиган умумий ҳажми 295,7 млрд.сўмни ташкил этади.

Қимматли қоғозларнинг ўртача даромадлиги йиллик 14,86 фоизни, минимал даромадлилик даражаси эса 14,74 фоизни ва чегирани нарх бўйича максимал даромадлилик даражаси 15,07 фоизни ташкил этди.

Қимматли қоғозлар бўйича фоиз тўловлар хар чоракда амалга оширилади.

Молия вазирлиги ахборот хизмати

ТАҲЛИЛ

АҲОЛИ РОЗИЛИГИ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Республикаимиз банк тизимида олиб борилган улкан ислохотлар тижорат банкларининг тез суръатларда ривожланишига, даромадларининг ошишига, янгидан-янги марраларни забт этишига имконият яратди. Ана шу жараёнда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ҳам барқарор тараққий этиб, мижозлар ишончини қозониб келмоқда.



Мазкур молия муассасасининг ташкил этилганига бу йил 25 йил тўлади. Шу йиллар мобайнида банк кўплаб ютуқларга эришиб, юртимиз банклари орасида ўз нуфузини янада мустаҳкамлаб бормоқда. Шу боис, банк фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида “Трастбанк” Бошқаруви расисининг биринчи ўринбосари Фуркат Самарходжаев билан суҳбат қилдик.

– **Ўтган 2018 йил юртимиз банклари учун ривожланиш йили бўлди, десак янглишмаймиз. Хўш, “Трастбанк” ХАБ учун ўтган йил қандай кечди?**

– 2018 йил банкимиз учун жуда омадли келди, деб бемолал айта оламан. Чунки соҳада олиб борилган ислохотлар ўз самарасини бериб, даромадимиз ҳам, мижозларимиз ҳам, кредит портфели, молиялаштириш йўналишлари ҳам бир неча баробарга ортди. Биргина кредит портфели мисолида қарасак, 2017 йили 4-6 қарра, 2018 йилда эса бу кўрсаткич ўн баробарга ўсди. Бу жараёнда, аввало, иқтисодийнинг реал секторларига эътибор қаратилди – ишлаб чиқариш, саноатни модернизация қилиш, кичик бизнес каби иқтисодийтимиз учун муҳим бўлган тармоқлар молиялаштирилди. Натижада ҳудудларда юзлаб янги иш ўринлари яратилиб, тадбиркорлик субъектлари кенг қўллаб-қувватланди.

Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ва банка оид турли ҳуқуқий меъёрларнинг қабул қилинаётгани бу ютуқларимизга асос бўлмоқда. Жумладан, биргина коммерцион операцияларни эркин амалга ошириш имкониятининг яратилгани иқтисодийтимиз ривожига катта туртки бўлиши баробарида банк ва аҳоли ўртасидаги ўзаро ишончини янада мустаҳкамлади. Шу билан бирга, мижозлар ва хорижий ҳамкорлар сафининг ортишига, республикаимиз экспорт-импорт салоҳиятининг янада ўсишига замин яратди.

– **Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тизимда амалга оширилаётган ишлар ҳақида нималар дея оласиз?**

– Маълумки, тижорат банкларининг асосий даромади турли тармоқларга кредитлар ажратиш орқали шаклана-

ди. Бу борада банкимиз ҳам юқори натижаларга эришиб, ўтган йили 1283 та тадбиркорлик субъектларига 901,6 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратди. Бу 2017 йилга нисбатан 200,5 фоизга кўп деганидир.

Албатта, кредитларнинг бу қадар ўсишида банк тизимидаги кредит сиёсатининг мўътадил бўлишига ҳаракат қилинаётгани ҳам муҳим омил бўлаёттир. Бу жараёнда қайта молиялаш ставкаси ҳамда банк имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кредит фоизлари белгиланиб, мижозлар учун маъқул бўлган фоизлар таклиф этилмоқда. Бош мақсадимиз ҳам аслида шу — аҳолини рози қилган ҳолда даромадга эришиш. Шу боис, доим мижозлар фикрини ҳурмат қилиб, уларга барча шароитларни яратишга ҳаракат қилаймиз. Бу эса уларни бефарқ қолдираётгани йўқ.

Жумладан, 2018 йилда Андижон вилояти Бўз тумани “Евро экфин” МЧЖга сутни қайта ишлаш корхонаси фаолиятини кенгайтириш учун банк томонидан 3,6 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилди. Натижада лойиҳа тўлиқ ишга тушиб,

ўтган йили Жиззах вилоятининг Фориш туманида паррандачиликни ривожлантириш мақсадида хонадонма-хонадон юриб, кредит бериш тартиблари тушунтирилди ва икки юзга яқин аҳолига молиявий кўмак берилди. Ма-на 5-6 ойдирки, бу йўналишда иш бошлаган кишиларнинг 90-95 фоизи яхшигина даромад олиб, рўзгорини бутлаб олди. Кредитларни ҳам ўз вақтида қайтаришяпти.

– **Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоблигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори банклар ўртасида рақобат муҳитининг шаклланиши ва банк хизматларининг ривожланишига катта туртки бўлди. Мазкур қарор ижроси доирасида банк тизимида қандай ишлар қилинди?**

– Бу борада муассасада узоқ муддатли йўл харитаси ишлаб чиқилиб, шу асосида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили Термиз, Самарқанд, Жиззах, Бухоро ва водий вилоятларида янги филиаллар ишга туширилди. Айримла-



хозирда корхонада бир неча турдаги сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Худди шундай банкнинг Самарқанд филиали томонидан “Samarkand England Eco-Medical” корхонасига ҳам 3 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит берилди. Ҳозирда корхонада жаҳон стандартларига мос дори-дармонлар ишлаб чиқарилмоқда. Наманган вилоятидаги “Мехмаш” МЧЖга ҳам банк томонидан металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун дастгоҳлар, хом ашё сотиб олиш харажатлари учун 26 млрд. сўмдан ортиқ кредит ажратилди ва қисқа фурсаткор хона фаолияти йўлга қўйилиб, 25 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Қолаверса, банк томонидан аҳолини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида паррандачилик, чорвачилик, қувнчилик каби йўналишлар ҳам молиялаштирилмоқда. Мисол учун,

осқлар сони эса 112 тага етди. Жисмоний шахслар учун турли карталар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Банкимизда хизмат кўрсатиш тизими янада яхшилаш мақсадида персонал-менежер институти ташкил этилди. Мазкур хизмат орқали мижозлар масофадан туриб ҳам ўзига бириктирилган мутахассисга барча хизматлар бўйича мурожаат қилишлари мумкин. Эндиликда банкка келган киши хонама-хона юриб сарсон бўлмайди. Хизмат йўлга қўйилганидан бери банкимиз ходимларининг иш унуми ҳам, хизмат кўрсатиш сифати ҳам ошди. Бундан мижозлар ҳам мамнун, албатта.

Қолаверса, тизимда иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида барча йўналишдаги ишлар таҳлил қилиб борилади. Қаерда, қандай муаммо, камчилик борлиги доимо ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилади. Юқорида таъкидланган персонал-менежер хизмати ҳам ана шу таҳлиллар асосида жорий этилди.

– **Онлайн хизмат ҳақида бироз тўхталиб ўтсангиз.**

– Албатта, бугун кунда банкларни бу хизматларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки мобиль иловалар орқали пул топиш ёки юмушларни битириш оддий ҳолга айланиб бормоқда. Шу боис, банкимизда инновацион онлайн хизматларни жорий этиш бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. Масалан, андроид ва IOS тизими бўлган – “TRUSPAY” мобиль версия жорий қилиниб, унда пул ўтказиш, конверсия амалиёти, омонатлар очиш, ўз ҳисобини назорат қилиш каби бир қатор хизматлар жамланган. “Мобиль банкнинг”, “СМС банкнинг” ва “Банк-Мижоз” каби янги инновацион хизматларининг жорий этилгани ҳам мижозларга, ҳам банк ходимларига қулайлик яратиб, турли қоғозбозликларнинг олдини олмақда.

Шунингдек, банкда максимал даражада автоматлаштирилган тизимга ўтиш бўйича ҳам қатор чоралар кўрилмоқда. Бу давр талаби бўлиши билан бирга рақобатдан ортда қолмаслик шарти ҳамдир. Шу боис, айна пайтда банкларда АКТни кенг жорий қилиш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Бу борада биз ҳам “Фидо-Бизнес” компанияси, Тошкент Молия институти мутахассислари билан ҳамкорликда янги инновацион технологияларни тизимга жорий этиб келмоқдамиз.

Қолаверса, банкимизга халқаро стандартларни жорий этаётганимиз унинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Шу йиллар мобайнида бир қатор стандартларга мувофиқ деб топилган бўлсақ, яқинда уларнинг сони яна биттага кўпайди. Жумладан, яқиндагина банкка Сифат Менежменти Бошқарув Тизими (RVI, IAF) талабларига жавоб берадиган ISO 9001: 2015 сертификати берилди. Бу борада хорижий компания билан ҳамкорликда махсус гуруҳлар иш олиб борди ва банк тизими тўлиқ аудитдан ўтказилди.

Кейинчалик эса мазкур Сифат Менежменти тизимини банкнинг барча ҳудудий филиалларига босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Албатта, бу каби ишларимизни жорий йилда ҳам давом эттириш, янги марраларни забт этиш ниятидаимиз.


– **Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!**

Бобур МУҲАММАДИЕВ тайёрлади.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ

“RENEANS” — МОЛИЯВИЙ ЭХТИЁЖЛАРНИНГ ТЕЗКОР ЕЧИМИ

Бугунги кунда республикаимиз бўйлаб 36 та микрокредит ташкилоти аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Шулардан етти тасининг активлари 10 млрд. сўмдан юқори бўлиб, улар умумий ҳисобда юртимиздаги микромолия бозорининг 65%дан ортиқ қисмини назорат қилади. “Кучли еттилик” рўйхатида айни пайтда 16 млрд. сўмга яқин активларга (шундан 86 фоизи даромад келтирувчи активлар) эга “Renesans” микрокредит ташкилоти ҳам бор.



Даставвал республикаимиз аҳолисининг ўртадан паст ва паст даромадли қатламга микромолиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида Чирчиқ шаҳрида ташкил этилган “Renesans” микрокредит ташкилоти 11 йилдириқ ўзбек молия бозорида ўз ўрни, нуфузига эга. Ташкилот иш бошлаган кезлари ўз-ўзини иш билан таъминлаган, деҳқончилик, қорамолчилик ва касаначилик орқасидан рўзгорини тебратётган аҳоли етарлича молиявий саводга эга эмас эди. Ёки кредит олиш учун кўйишга гарови, ойлик даромади тўғрисида маълумот берувчи расмий иш жойи йўқлиги боис тижорат банкларида кредит олишга қийналарди, имкониётлари етмасди. “Renesans” МКТ илк бора жаҳиятимиздаги мана шу тоифа аҳолисининг муаммоларини ижобий ҳал этди, уларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида микромолиявий хизматлар орқали ёрдам қўлини чўзди. Мазкур ташкилотдан кредит олиб, яқка тадбиркор сифатида иш бошлаган мижозларнинг кўпчилиги мана бугун ўз бизнеси, оилавий корхонасига эга.

Вақт ўтгани сари “Renesans” МКТ ҳам ўз фаолиятини аста-секин кенгайтира бошлади. Илгари фақат паст даромадли кичик ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, ўз-ўзини иш билан таъминлаганлар учун хизмат кўрсатган бўлса, кейинчалик ўрта бизнес субъектлари, микромолиявий хизматларга эҳтиёжи юқори тоифа вакиллари ҳам қўлай ва сифатли микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун астойдил бел боғлади. Кредит ташкилотининг катта ютуқларидан бири у мижозларга молиявий кўмак бериш билан бирга, уларнинг молиявий саводхонлигини оши-

ришга ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Бугун ташкилот натижалари ҳавас қилса аригулик. Микрокредит ташкилотининг кузатув кенгаши раиси **Жамшидбек Турдиқулов**нинг сўзларига кўра, ўтган йил бошидан декабрига қадар ташкилот томонидан имзоланган 2247 та шартнома учун жами 21 млрд. 345 млн. сўмдан ортиқ кредит ажратилган. Ушбу кредитларнинг асосини микрокредитлар ва микроқарзлар ташкил этмоқда. Айниқса, мижозлар томонидан фақатгина икки — муддатлилик ва қайтаришлик шартлари билан берилётган микроқарз хизматига талаб ниҳоятда ошиб бормоқда. Кўрсатилган хизматларнинг 97%ини микроқарзлар ташкил этаётгани ҳам бунинг яққол исботидир.

Мазкур кредит ташкилоти 2010 йил якунлари бўйича Микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари миллий ассоциацияси (ҳозирда Микромолиялаш институлари миллий ассоциацияси — NAM) томонидан “Йилнинг энг даромадли микрокредит ташкилоти”, 2011- ҳамда 2012 йил якунлари бўйича икки маротаба “Ассоциациянинг энг фаол аъзоси” ҳамда 2015 йилда “Йилнинг энг яхши микрокредит ташкилоти” сифатида эътироф этилди. 2016 йил якунлари бўйича бир йўла икки номинация голиблиги “Renesans” микрокредит ташкилоти номи билан боғланди: 2016 йилнинг энг яхши директори номини ташкилот **ижрочи директори Дилшоджон Мамажонов** қўлга киритган бўлса, **Жамшидбек Турдиқулов** 2016 йилда микромолиялашни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун тақдирланди. Ўтган йилда эса ISO 9001:2015 стандарти бўйича сифат менежментига эга бўлди.

Ташкилотнинг кредит бўлими ёнида 19-мартта микромолиявий хизматдан фойдаланаётган аёлни учратиш қолдик. Узини **бўкалик Эътибор Содиқова** дея таништирган бу аёл ташкилотда хизмат кўрсатиш сифатидан розилигини билдириб, мазкур ташкилотнинг кўмаги билан молиявий эҳтиёжларини қоплаётганини, жумладан, бу гал тижорат мақсадида бир йил

муддатга 6 млн.сўм микроқарз олганини айтди.

Мижозлардан яна бири **Дилшод Ҳасанов** эса бизнесини янада ривожлантириш мақсадида гаров таъминоти эвазига 20 млн. сўм миқдорда микроқарз олган. Айтишича, у белги-ланган муддатда қарзини уза олади.

— Ташкилотимизга микромолиявий хизмат сўраб мурожаат қилган ҳар бир мижозга имкон қадар тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз — дейди “Renesans” МКТ **Кредит бўлими бошлиғи Фазлиддин Бўронов**. — Микрокредитлар яқка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахслар учун энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача тўловлилик, муддатлилик, қайтаришлик ва шартномага мувофиқ муайян мақсадлар учун ишлатиш шартлари асосида ажратилса, микроқарзларимиз ЭКИХнинг 100 баробари миқдорда нақд ҳамда пластик кўринишида ажратиб берилаяпти. 2018 йил давомида бўлиммиз томонидан икки минг нафардан ортиқ мижозга хизмат кўрсатилган.

Ўтди ҳамда кредит бўлими **етақчи мутахассиси Нодирбек Воҳидов** мутлақ голиб деб топилиб, унга кимматбаҳо эсдалик совғалари, пул мукофоти, диплом ва “Renesans” Yulduzi” махсус статуэткаси топширилди.

— Бу галги “Renesans” Yulduzi” танловининг голиблигини қўлга киритиш учун астойдил меҳнат қилгандим, афсуски, менга берилган овозлар сони бирозгина камлик қилди. 2019 йилда, насиб этса, янада кўпроқ ва самаралироқ меҳнат қилиб, албатта Ренесансининг юлдузига айланаман, — дейди 2014 йилдан бунён МКТда фаолият юритаётган **етақчи мутахассис Шохсанам Акрамова**. — Асосий вазифам кредит олувчиларга маслаҳат бериш ва бюротмачиларнинг аризаларини холислик ва теъзорлик билан ўрганишдан иборат. Бир кунда ўнлаб мижозни қабул қилиб, уларга кредит борасида атрофлича маълумот ва зарур маслаҳатлар бераман.

Ўтган йилнинг 19 декабридан бошлаб, ташкилот томонидан мижозларга қарздорлиги тўғрисида маълумот берувчи “SMS хабарнома” хизмати ишга



Бугун “Renesans” МКТда 25 нафарга яқин ходим фаолият юритмоқда. Айтиш жоизки, ходимларни танлаш, уларнинг малакасини ошириш, қўллаб-қувватлаш ва моддий-маънавий рағбатлантириш борасида ҳам ташкилот ўзига хос иш юритади. Жумладан, 2011 йилдан МКТда ходимларнинг вакиллик органи ташкил этилиб, ички меҳнат тартиби қоидалари янгиланган. Ҳар йили янги йил арафасида эса ўтган йилнинг энг яхшиларини рағбатлантирувчи “ReneStar” — “Renesans” Yulduzi” танлови ўтказилади. 22 декабрь оқшомида мазкур танловнинг 2018 йил якунлари бўйича тақдирлаш маросими бўлиб

туширилган бўлса, 2019 йил давомида ҳар бир қарз олувчини кредитлар тўғрисида аниқ маълумотлар билан таъминлаш ва уларнинг онлайн тарзда бўртма беришлари учун “Шахсий кабинет” хизмати ҳам йўлга қўйилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, аҳолига қўлай ва сифатли хизмат кўрсатиши ўз олдига мақсад қилган “Renesans” МКТ жорий йилда Чирчиқ, Олмалик, Бекобод ва Ангрен шаҳарларида ўзининг дастлабки филиалларини очиб ниятида. 2019 йил 1 январдан бошлаб эса кредит тўловини масофавий Раупе тўлов тизими орқали амалга ошириш бошланди.

Гузэл МАЛИКОВА

ЭЗГУЛИК УЛАШИЛГАН ТАДБИР



Янги йил арафасида “Asia Alliance bank” АТБ банк Бошқаруви бошчилигида “Болалар — бизнинг келажакимиз” деб номланган хайрия акцияси ўтказилди. Тадбир пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 105-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабда ташкил этилди. Ҳозирда ушбу даргоҳда 286 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Мазкур акцияда банк ходимлари тарбияланувчиларга ўқув қуроллари, кийим-кечак, гигиена воситалари ва стол ўйинлари каби турли совғалар жамланмасини ҳада этишди.

Тадбир якунида болалар ранг-баранг қоғозлардан тайёрланган буюмларни банк вакиллари миннатдорлик белгиси сифатида тақдим этдилар.

“Орзуинг сари интил” деб номланган иккинчи хайрия тадбири эса пойтахтимизда жойлашган “My Soccer Academy” Америка-Испания футбол академиясида бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг машҳур спорт усталари ва мураббийлари, банк вакиллари ҳамда ёш спортчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Хайрияда академия ўқувчиларига спорт жиҳозлари ва банк логотипи тасвирланган спорт кийимлари ҳада этилди.

Банк томонидан бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад ёшларга ғамхўрлик қилиш орқали ходимлар ўртасида жамоавий руҳни мустаҳкамлаш ва уларни эзгу ишларга жалб қилиш борасидаги фаолиятни кучайтиришдан иборат.

Банк ахборот хизмати

СОҶАГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИМикрокредит ташкилотлари томонидан молиявий
операцияларни амалга ошириш қоидаларига
ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақидаЎзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
11 декабрда 1642-4 сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки тўғрисида"ги, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги ва 2018 йил 3 октябрдаги ЎРҚ-494-сон "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги

қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/3-сон қарори (рўйхат рақами 1642, 2006 йил 23 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 470-модда) би-

лан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ

ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2018 йил 10 ноябрь,
35/10-сон.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 10 ноябрдаги 35/10-сонли
қарорига
ИЛОВА

Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий
операцияларни амалга ошириш қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимча

1. 2-банднинг бешинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:
"микромолиявий хизматларнинг микдори, муддатлари, тўлови ва

тўлиқ қиймати."
2. 15-банд "банк" деган сўздан кейин "ёхуд суғурта ташкилотининг" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИЎзбекистон Республикаси банкларида депозит
операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақидаЎзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
томонидан 2018 йил 5 декабрда 2711-3 сонли
рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015

йил 22 июлдаги 19/11-сон қарори (рўйхат рақами 2711, 2015 йил 26 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 460-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2018 йил 10 ноябрь,
35/11-сон.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 10 ноябрдаги 35/11-сонли қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит
операцияларини амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар

1. 10-банддаги "Тижорат банкларида касса ишларини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташқишига доир йўриқномада (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь)" деган сўзлар "Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)," деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 59-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"59. Банкларда тўлдирилмаган янги омонат дафтарчалари қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ҳисобланади ва улар пул омборхонасида Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация

қилишга доир йўриқнома (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) талабларига мувофиқ сақланиши лозим."

3. 60-банднинг 7-кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 130-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 187-банддаги "Тижорат банкларида касса ишларини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташқишига доир йўриқномада (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь)" деган сўзлар "Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 7-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИМикрокредит ташкилотларида аудит текширувларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар
киритиш ҳақидаЎзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
томонидан 2018 йил 5 декабрда 2379-3 сон билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Мар-

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2018 йил 10 ноябрь,
35/12-сон.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 10 ноябрдаги 35/12-сонли қарорига
ИЛОВА

Микрокредит ташкилотларида аудит
текширувларини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар

1. Муқаддима куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги ва "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон "2011-2015 йилларда респуб-

лика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ микрокредит ташкилотларининг молиявий ҳисоботларини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотларни аудиторлик ташкилотлари томонидан текшириш тартибини белгилайди."

2. 6-банддаги "уч" деган сўз "етти" деган сўз билан алмаштирилсин.

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

ЭКСПОРТЧИЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, қуйидагилар Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, давлат ва ҳўжалик Бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда ҳокимларнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

– экспортбop рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хизматлар (туристик, тиббий, таълим, транспорт) экспортини ошириш;

– ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришда ҳамкорларни излаш ҳамда ташкилотлар ва корхоналар билан шартномалар тузиш.

Фаолияти Ташқи савдо вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилаётган Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизими ташкил этилди.

Экспорт фаолиятига ахборот-таҳлилий кўмаклашиш, экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш миллий тизимнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шунингдек, Ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Экспортни рағбатлантириш агентлиги, хориждаги элчихоналар қошида савдо ваколатхоналари ташкил этилди.

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига экспорт кредитлари ва операцияларини суғурталаш вазифасини юкланди ва у Ташқи савдо вазирлигига ўтказилди.

Ташқи савдо вазирлиги “Ўзгрозэксортбанк” акциядорлик тижорат банки Кузатов кенгашининг раиси этиб сайланади.

2019 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджетидан 15 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган маблағ Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратилади.

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун Президент томонидан имзоланди.

СОЛИҚ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛДИ

Қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, 2019 йил 1 январдан:

жисмоний шахснинг даромадларига 12 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

юридик шахслардан олинган фойда солиғи ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

- юридик шахслар – 12 фоиз;
- тижорат банклари – 20 фоиз;
- цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчи юридик шахслар – 20 фоиз;
- полиэтилен гранулалар ишлаб чиқарувчи юридик шахслар – 20 фоиз;
- мобил алоқа хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар – 20 фоиз;
- дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадларга 5 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.



Эслатиб ўтамиз, илгариги тартиб бўйича жисмоний шахсларнинг даромадига қуйидагича солиқ солинган:

- даромаднинг энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваригача бўлган қисмига – 0 фоиз;
- даромаднинг энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача қисмига – 7,5 фоиз;
- энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача қисмига – 16,5 фоиз;
- даромаднинг энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари ва ундан кўп қисмига – 22,5 фоиз.

“ВАЛЮТА КУРСИ ЎЗГАРИШИНИНГ ТАЪСИРИ”

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (4-сонли БҲС) “Валюта курси ўзгаришининг таъсири” Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ушбу тартиб молия органлари, газначилик бўлинмалари, давлат мақсадли ва бошқа жамғармалар ҳамда бюджет ташкилотларида чет эл валютасида операцияларни юритишнинг норматив тартибга солинишини белгилайди.

Чет эл валютасидаги операциялар бюджет ҳисобидида содир этилган вақтда тўлов кундаги расмий курси бўйича миллий валютада акс эттирилади.

Қуйидагилар ташкилотларнинг чет эл валютасидаги операциялари бўлиб ҳисобланади:

– активлар, ишлар, хизматларни чет



эл валютасида харид қилиш ёки сотиш;

- чет эл валютасида тўланиши ёки олинishi белгиланган кредитлар ёки қарзлар;
- чет эл валютасидаги мажбуриятларни қабул қилиш ёки мажбуриятларни

коллаш;

– чет эл валютасида ифодаланган активларни ҳисобдан чиқариш ёки қабул қилиш.

Бюджет ҳисобидида чет эл валютасида ифодаланган актив ва мажбуриятларнинг қийматини ҳисоботларда акс эттириш учун сўмда қайта ҳисоблаш лозим.

Ташкилотларнинг чет эл валютасида ифодаланган актив ва мажбуриятлари ҳисобот даврининг сўнгги иш кунда чет эл валютасида операция амалга оширилган санадаги расмий курс бўйича қайта баҳолашни амалга оширади.

Бунда ҳисобот даврининг сўнгги иш кунда ташкилотлар ягона ва шахсий газна ҳисобварағи, кассаси ҳамда бошқа ҳисоб рақамлардаги чет эл валюта маблағларини, шунингдек, чет эл валютасидаги молиявий активларнинг қийматини операция содир этилган вақтдаги расмий курс бўйича сўмда ифода қилади.

ОБЛИГАЦИЯЛАР МУОМАЛАГА ЧИҚАРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг давлат газначилик мажбуриятлари ва облигацияларини муомалага чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, Молия вазирлиги томонидан давлат газначилик мажбуриятлари ва облигациялари муомалага чиқарилади.

Шунингдек, қарор билан Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари чиқарилишларининг жойлаштирилиши, муомалада бўлиши ва сўндирилиши тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.



Низомга кўра, қимматли қоғозларнинг номинал қиймати бир миллион сўмни ташкил этади.

Қимматли қоғозларнинг жойлаштирилиши Марказий банк томонидан аукцион шаклида ўтказилади. Аукцион шартлари ҳақидаги маълумот камда етти кун аввал эълон қилинади.

Қимматли қоғозлар олди-сотди битим тузиш орқали иккиламчи бозорда ҳам муомалада бўлади.

Қимматли қоғозларни сўндириш Марказий банк томонидан етти кун аввал бу ҳақида эълон қилиниб амалга оширилади.

ЙЎЛОВЧИ ТАШУВЧИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИШИ ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ.

Президентимизнинг “Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, 2019–2021 йиллар давомида ҳар йили 1 февралга қадар Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 5 миллион АҚШ доллари эквивалентидagi пул маблағлари ўтказиб борилади.

Намунавий, шу жумладан, тармоқли лойиҳалар асосида замонавий санитар-гигиеник шохобчаларни қуриш учун 80-100 квадрат метр ўлчамда ер участкаларини электрон аукционга қўймасдан олиш учун тадбиркорларга устуворлик ҳуқуқи тақдим этилади.

2022 йилнинг 1 январига қадар олиб қилинадиган туристлар ташриф буюрадиган жойларга ўрнатиладиган антивандал санитария-гигиена шохобчалари, шунингдек, моддий маданий мерос объектлари, музейлар, театрлар, галереялар ва белги-ланган тартибда шаклланти-

рилган рўйхатдаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар учун мўлжалланган йўл автойўл вокзаллари-асбоб-ускуналар, турникетлар, дастурий таъминот, тўловни амалга ошириш маълумот олиш терминаллари, видеокузатув ускуналари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

Қарор билан:

– меҳмонхона ичида жойлашган ёки унга тегишли бўлган алкоголь маҳсулотлари (бар, мини-бар, кафе, ресторан) сотуви билан шуғулланадиган умумий овқатланиш объектлари ва савдо нукталари учун алоҳида

рухсат гувоҳномаси;

– аэропортдан, темир йўл вокзаллари ва меҳмонхонага ва ундан қайтишга, шунингдек, туризм объектларига ўзининг ижарачилари транспорт хизматларини кўрсатиши учун лицензия;

– шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи ташувчи тадбиркорлардан маҳаллий ва хорижий фуқароларга мамлакат бўйлаб нумунтазам, шаҳарлараро йўловчи ташиш учун тегишли лицензияга эга автобус ёки кичик автобус хизматларини кўрсатиш учун қўшимча лицензия олиш талаблари бекор қилинди.

БАНК ЯНГИЛИКЛАРИ

ИПОТЕКА-БАНКНИНГ
ДЎСТОБОД ФИЛИАЛИ ИШ БОШЛАДИ

Ипотека-банк мижозларга янада сифатли ва намунали банк хизматларини тақдим этиш мақсадида Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида Дўстобод филиалини ишга туширди.



Унинг очилиш маросимида маҳаллий ҳокимият, Марказий банк ҳамда Ипотека-банк вакиллари, тадбиркорлар ва банк мижозлари иштирок этди. Тадбирда меҳмонлар филиалда мижозлар учун яратилган шарт-шароитлар, ўзига хос қулайликлар билан яқиндан танишдилар.

Эндиликда аҳоли мазкур филиал орқали бўш пул маблағларини банк депозитига қўйиш, пластик карталар очиш, конверсия амалиётлари, истеъмоқ кредитлари, автокредит, микроқарз, истеъмоқ кредитларини олиш имкониятларига эга бўлди. Шунингдек, филиалда мижозлар учун инфокиосклар, интернет банкинг хорижий ва миллий валютлада нақд маблағларни ечиб олишга мўлжалланган банкوماتлар ўрнатилган. Юридик шахслар учун интернет банкинг киоскларининг ташкил этилгани эса улар учун яна бир қулайлик бўлди.

ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Янги йилнинг илк кунларида Траст-банкнинг “Наманган” филиали қошида “Уйчи” ва “Тошбулоқ” мини-банклари ўз фаолиятини бошлади. Бу эса ўша ҳудуддагилар учун янги йилга муносиб совға бўлди. Эндиликда мазкур мини-банклар жисмоний ва юридик шахслар учун барча турдаги банк хизматларини тақдим этади.

Қолаверса, “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки яқинда пойтахтимиздаги “Дархон” филиалида эшитиш қобилияти заиф ва сўзлашувдан маҳрум бўлган инсонлар учун “Сурдо-онлайн” тизимида хизмат кўрсатувчи Call-марказини ишга туширган эди.

Мазкур хизмат Президентимизнинг 2018 йил 11 июндаги “Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида йўлга қўйилди.

– “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки томонидан эшитиш қобилияти заиф ва сўзлашишдан маҳрум инсонларда айнан банкларга мурожаат қилиш ва банк хизматларидан бевосита фойдаланиш борасида қийинчиликлар юзага келаётган ҳолатлар ўрганиб чиқилди ва шу асосда “Дархон” филиалида “Сурдо-онлайн” хизматига асос солинди, – дейди банкнинг “Дар-



хон” филиали бошқарувчиси ўринбосари Фаррух Эрматов. – Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир ногиронлиги бўлган шахсни филиал администратори кутиб олади ва дарҳол планшет орқали имо-ишора тилини узатувчи онлайн видео чат ёрдамида хизмат таржимонлари билан боғланади. Ушбу нуқтада махсус мутахассис бевосита мижоз ва банк ходими ўртасида воситачилик вазифасини бажаради. Шунингдек, банк администратори мижозга ҳамроҳ бўлган ҳолда бевосита банк хизматларидан фойдаланишга кўмаклашади.

Келгусида мазкур хизмат турини банкнинг барча филиалларига татбиқ этиш мўлжалланмоқда.

“ASIA ALLIANCE BANK”ДАН
ЯНА БИР МИНИ-БАНК

Янги йил арафасида “ASIA ALLIANCE BANK” АТБнинг янги “Алгоритм” мини-банки ишга туширилди.

Мазкур мини-банк пойтахтимизнинг аҳоли гавжум ҳудудида жойлашган бўлиб, қурилиш материаллари бозори ва кутиш майдонига эга бўлган янги харид қилиш маркази — “Algorithm City”да жойлашган. Мини-банк мижозлари эндиликда сифатли банк хизматларидан фойдаланиш ва юқори малакали ходимлардан маслаҳат олиш имконига эга бўлдилар.



“Алгоритм” мини-банки ҳам корпоратив, ҳам чакана бизнесга йўналтирилган мижозларга кенг қўламли банк хизматларини тақдим этишга мўлжалланган. Хусусан, мини-банкда ҳисобни юриштининг шахсий имтиёзли тарифлар тармоғи, банк кафолатларини бериш, ҳужжатли операциялар (аккредитивни очиш ва уларга хизмат кўрсатиш), шунингдек, жисмоний шахслар учун истеъмоқ кредитлари ва микрокредитларни ҳисобга олиш амалиётлари бажарилади.

VISA BUSINESS
КОРПОРАТИВ КАРТАСИ

ХАТБ “Ҳамкорбанк” янги маҳсулот — Visa Business корпоратив картасини тақдим этмоқда. Мазкур халқаро корпоратив карта орқали банк мижозлари республикамиздан ташқаридаги товар ва хизматлар учун нақдсиз ҳисоб-китоб қилиш имкониятига эга бўлади.



Уни расмийлаштириш юз минг сўм бўлиб, картада минимал қолдиқ 50 АҚШ доллари бўлиши талаб этилади.

Visa Business картаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқари юридик шахс фаолиятига боғлиқ харажатлар, ёқиллиқ сотиш, транспорт харажатлари ва бошқа ҳисоб-китоблар учун қулай тўлов воситасидир.

“PLATINUM” –
ЯНГИ ЙИЛ ТУҲФАСИ

“Ўзсаноатқурилишбанк” байрамлар арафасида ўз мижозларини хушнуд этиш аънаналарини давом эттирган ҳолда Янги йил совғаси сифатида “Platinum” номли омонатни амалиётга киритди.

Омонатнинг йиллик фоиз ставкаси – 20 фоиз. Сақланиш муддати – 26 (йигирма олти) ой.

Омонат бўйича белгиланган бошлангич бадалнинг минимал миқдори 2 000 000 сўм. Максимал ҳажми – чегараланмаган. Бироқ унга сақлаш муддати оралиғида қўшимча маблағ киритиб бориш мумкин эмас.

“Platinum” омонатига маблағлар банк жамғарма кассаларида омонат дафтарчасини расмийлаштириш орқали ёхуд масофадан туриб “UzPSB Mobile” мобил иловаси ёрдамида онлайн тарзда қабул қилинади.

Омонат фоизлари омонатчи хоҳишига кўра, ҳар икки ой учун олдиндан бўнак (аванс) тарзида нақд пулда (нақд пулда қўйилган омонатлар бўйича) ёки нақд пулсиз шаклда тўлаб берилди.

“МИЛЛИЙ” МОБИЛЬ
ИЛОВАСИДАН ЯНГИЛИК

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзмиллийбанк” мижозларига универсаллик тамойили асосида хизмат кўрсатмоқда. Эндиликда банк мижозларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш учун турли хил иловаларни ўрнатишга зарурат йўқ. Сабаби – битта мобил иловада барча хизматлар мужассам.

Банк ўзининг “Миллий” мобил иловаси орқали жисмоний шахслар билан бир қаторда юридик шахсларга ҳам хизмат кўрсатишни бошлади.

Бунинг учун фойдаланувчилар “Миллий” мобил иловасининг “Юридик шахс сифатида кириш” бўлими орқали логин ва паролларини киритган ҳолда юридик шахслар учун мўлжалланган банк хизматларидан бемалол фойдаланишлари мумкин.

Эслатиб ўтамиз, “Миллий” мобил иловасини App Store ва Google Playдан бепул юклаб олиш мумкин.

ДУНЁГА НИГОҲ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ
“ЭНГ КУЧЛИЛАР”

Сир эмаски, дунёнинг каттагина бойлиги энг ривожланган “йигирматалик”ка кирувчи давлатлар тасарруфида. Жумладан, жаҳон ЯИМнинг 81 фоизини ҳам айнан шу давлатлар бошқаради. “Йирик йигирматалик” рўйхатида етакчи илк ўн мамлакат эса жаҳон ЯИМнинг 67 фоизига эгаллик қилади. Маълумотларга кўра, қолган 172 мамлакат иқтисодий маҳсулотларнинг 1/5 қисмидан ҳам кам ҳажмини ишлаб чиқаради. Қуйида 2018 йилда жаҳон иқтисодиётида муҳим роль ўйнаган ва энг кучлилар сифатида тан олинган мамлакатлар ўнталиги билан таништирамиз.

1-ўрин: АҚШ

Номинал ЯИМ ҳажми — 19,39 трлн. доллар.

ХҚП (харид қобилияти паритети)га асосланган ЯИМ, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ — 19,39 трлн. доллар.

Дунёдаги энг барқарор иқтисодиёт АҚШга тегишли бўлиб, у юз йилдан охиқ вақтдирки (1871 йилдан бери), жаҳон иқтисодиётида етакчилик қилиб



келаётир. Ушбу мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланган иқтисодий сиёсати банк тизими, энг йирик фонд биржаси, замонавий АКТ ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илғор технологияларга асосланган.

Маълумотларга кўра, АҚШнинг номинал ЯИМ миқдори ҳар бир америкалик учун 57 минг доллардан ортиқни ташкил этади. Бу давлат ҳар йили 18,5 трлн. доллар даромад кўради деганидир.

Маълумотларга кўра, АҚШ дунё бўйлаб молия ва ахборот соҳаларига тўлиқ эгаллик қилади. Шунингдек, янги технологияларни ишлаб чиқариш ва амалиётга татбиқ этишда ҳам пешқадам. Кўпгина жаҳон ташкилотлари ўз захираларини АҚШ долларидан сақлашни афзал кўриши ҳам бежизга эмас, чунки уларнинг ҳеч бири Америка иқтисодиётидаги барқарор ва ишончли валюта курсига шубҳа билан қарамайди.

2-ўрин: Хитой

Номинал ЯИМ ҳажми — 12,01 трлн. доллар.

ХҚПга асосланган ЯИМ — 23,15 трлн. доллар.

Яқин йилларда Америка иқтисодиётини ортда қолдириб, ўз иқтисодиёти билан дунё бўйича етакчиликка интилаётган ва жуда тез суръатларда ривожланиб бораётган Хитой саноат, қишлоқ хўжалиги ва техноло-

гиялар соҳасини фаол равишда кенгайтириб бормоқда. Мамлакатнинг автомобиль бозори АҚШ ва Японияникидан катта. У бугунги кунда кийим-кечаклари ва турли усуналари билан кўпгина давлатлар бозорини “ишғол” эта олди ва қолган йўналишларда ҳам экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга интилоқда.

Маълумотларга кўра, Хитой сайёрамиз аҳолисининг 1/5 қисмини озиқовқат маҳсулотлари билан таъминлайди. Шу боис, жаҳон бўйлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган майдонларнинг 9 фоизидан фойдаланади. Мамлакатда ЯИМнинг йиллик ўсиши 10%ни ташкил қилади, албатта, бу ўсиш АҚШ учун ташвиш уйғотиши табиий. Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ичида етакчиликни қўлга киритган Хитой айна пайтда “жаҳон фабрикаси” сифатида ҳам эътироф этилади.



1980 йилда Хитой иқтисодиёти дунё йигирматалиги еттинчи қаторида бўлган бўлса, ҳозирда у 2-ўринни эгаллаб турибди.

2017 йилда Жаҳон банки 2018 йилда Хитой иқтисодиётидаги ўсиш 6,6 фоиз, 2023 йилга бориб эса ўсиш ўрнига 5,5 фоизга камайишини башорат қилган.

Хитой аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ (8,464 доллар.) жиҳатидан дунё бўйича 72-ўринни эгаллайди.

3-ўрин: Япония

Номинал ЯИМ — 4,87 трлн. доллар. ХҚПга асосланган ЯИМ — 5,42 трлн. доллар.

Япония — ишлаб чиқариш ва технологиялар соҳасида улкан муваффақиятларга эришган, фуқаролари интизомли ва меҳнатсевар мамлакат. Бу ерда юқори турмуш даражаси ҳукмрон.

Жорий йилда мамлакатдаги ЯИМ ҳажми 5 трлн. доллардан ошиши башорат қилинган эди. Йил якунлари ушбу башоратнинг нечоғли ҳақиқат ё ёлғонлигини тасдиқлади. Кунчиқар мамлакат шу йиллар давомида бир неча бор иқтисодий қийинчиликларга йўлиқди. Шулардан бири 2008 йилдаги молиявий инқироз бўлса, яна бири мамлакатда рўй берган кучли zilzila талофати. Бироқ шунга қарамай, у айна пайтда АҚШ ва Хитойга етиб олиш арафасида. Боиси Япония банк секторига татбиқ этилган илғор технологиялар борасида юқоридаги икки мамлакат билан бе-



малол рақобатлаша олади. Шунингдек, робототехника борасида ҳам азалдан ривожланиш тарихига эга ва мазкур йўналиш билан АҚШ бозорини “босиб олди” дея бемалол айтиш мумкин.

2020 йилги Олимпия ўйинлари эса мезбон Япония иқтисодиёти учун қўшимча рағбатлантирувчи омил бўлиши табиий.

Айна пайтда Японияда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми (38,439 доллар.) жиҳатдан дунё бўйича 25-ўринда туради.

4-ўрин: Германия

Номинал ЯИМ — 3,68 трлн. доллар. ХҚПга асосланган ЯИМ — 4,17 трлн. доллар.

Германия Федератив Республикаси нафақат йирик иқтисодиётга, балки Европа бўйича хизмат кўрсатиш, саноат ва муҳандислик соҳаларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳам даъвогарлик қилади. У номинал ЯИМ бўйича дунёда 4-ўринда туради.



1980 йилда Германия иқтисодиёти ҳажми 850 млрд. долларни ташкил этган ва кучлилар рейтингда 3-ўринни эгаллаган.

Германия икки жаҳон урушини бошидан кечиришига қарамай, барқарор ва тўғри иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишга муваффақ бўлди, ҳатто айна пайтда энг юксак турмуш даражасига эга давлатлар рейтингда ҳам пешқадамга айланди. Айтиш жоизки, сўнгги йилларда Европа давлатлари бошидан кечирган молиявий инқирозга қарамай, у барқарор “оёқда турди”.

Германиянинг иқтисодий қудрати саноат 4.0.ни ишга туширишга ёрдам берди. Бу дунёдаги етакчи ишлаб чиқарувчилар ва етаксиз берувчилар бозорини яратишга кўмаклашувчи стратегик ташаббус бўлди.

5-ўрин: Буюк Британия

Номинал ЯИМ — 2,62 трлн. доллар. ХҚПга асосланган ЯИМ — 2,91 трлн. доллар.

Бирлашган Қироллик номинал ЯИМда бешинчи, ХҚПга асосланган ЯИМ бўйича тўққизинчи ўринни эгаллайди. Аҳоли жон бошига 39,734 доллар тўғри келади.

1992–2008 йилгача бўлган даврда Британия иқтисодиётида ҳар чоракда ўсишлар кузатилган. Бироқ 2008 йилнинг апрелидан бошлаб беш чорак давомида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши кузатилган. Иқтисодиёт шу давр мобайнида 6% га қисқарди ва ундан олдинги даврга қайтиш учун 5 йил керак бўлди.



Мамлакатда авиация ва фармацевтика, автомобилсозлик ва тўқимачилик саноати соҳалари муҳим роль ўйнайди.

Буюк Британия хориздан инвестициялар ва бошқа мамлакат бизнесменларини ўзининг эркин банк сиёсати орқали жалб қилиб, инвестицияларга эга бўлмоқда. Бироқ мамлакат 2018 йилда Европа Иттифоқи таркибидан чиқди ва мутахассислар бугўнга мамлакат иқтисодиёти қанча зарар кўриши мумкинлиги ҳамда дунёда ўз ўрнини сақлаб қола олиш ололмаслиги хусусида бир тўхтамга келишга қийналмоқдалар.

Рўйхатнинг кейинги ўринларини Франция, Ҳиндистон, Италия, Бразилия ва Канада давлатлари иқтисодиёти эгаллади.

Люксембург ҳукумати исталган турдаги жамоат транспортда тўланадиган йўлқира ҳақини бутунлай олиб ташлаш ниятида. Бугунги кунга қадар биронта мамлакат бундай қарор қабул қилган эмас.

Автобус, трамвай ва поездларда 2019 йил ёз фаслидан бошлаб бепул юриш мумкин бўлади. Ҳукуматдагилар фикрига кўра, шу йўл билан

ЛЮКСЕМБУРГДА ЖАМОАТ
ТРАНСПОРТЛАРИ БЕПУЛ

ҳудудда тирбандликни бартараф этиш ва экологик ҳолатни яхшилаш мумкин.

The Guardian нашрида қайд этилишича, Франция, Германия ва Бельгия сингари қўшни давлатлар аҳолисининг (тахминан

200 минг нафар киши) ишга қатнаши оқибатида мамлакатда узун тирбандлик ҳолати тез-тез кузатилади. Люксембург аҳолисининг сони 600 мингдан ортиқни ташкил этади, уларнинг 400 мингга яқини пойтахтда ишлайди,

110 мингга яқин аҳоли пойтахтда истиқомат қилади.

Люксембург Бош вазири Ксавье Беттель сайловолди кампанияси давомида афромуҳит муаммосига алоҳида эътибор қаратишга ваъда берганди.

Жорий йилнинг ёз фаслида Люксембург ҳукумати болалар ва 20 ёшгача бўлган ўсмирларга транспортда бе-

пул юриш ҳуқуқини тақдим этган эди. Қолганлар эса бутун мамлакатни кесиб ўтишга етadиган вақт – икки соатлик сафар учун 2 евро миқдоридан ҳақ тўлайди.

Бутунлай бепул жамоат транспорти кўплаб мамлакатларда мавжуд, бироқ бундай имтиёз давлат эмас, шаҳарлар миқёсида жорий этилган.

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР КАРТОТЕКАСИ

2018 йил давомида "Банк ахборотномаси" газетасида
чоп этилган меъёрий ҳужжатлар рўйхати

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР	
Ҳужжат номи	Газета сони ва санаси
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 697-4, 2017 йил 13 ноябрь ЎзР МБ № 29/5, 2017 йил 28 октябрь	№ 1 11.01.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори "Тижорат банклари балансида турган алоҳида объектларни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 65-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида" № 2589-2, 2017 йил 17 ноябрь ЎзР МБ № 332-В-2, 2017 йил 15 ноябрь ЎзР Молия вазирлиги № 152, 2017 йил 15 ноябрь ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги № 150, 2017 йил 15 ноябрь ЎзР Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси № 01/16-1-10/28, 2017 йил 15 ноябрь	№ 1 11.01.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида" № 2883-1, 2017 йил 28 ноябрь ЎзР МБ № 31/11, 2017 йил 11 ноябрь	№ 1 11.01.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида" № 2758-1, 2017 йил 28 ноябрь ЎзР МБ № 31/10, 2017 йил 11 ноябрь	№ 1 11.01.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" № 2758-1, 2017 йил 28 ноябрь ЎзР МБ № 32/14, 2017 йил 25 ноябрь	№ 1 11.01.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида" № 2155-3, 2017 йил 4 декабрь ЎзР МБ № 32/1, 2017 йил 25 ноябрь	№ 1 11.01.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг қарори "Тижорат банкларининг Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи бўлинмалар бўлган қарбий қисмларга кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" № 1554-1, 2017 йил 6 декабрь ЎзР МБ № 274-В-1, 2017 йил 27 ноябрь ЎзР Молия вазирлиги № 176, 2017 йил 27 ноябрь Келишилган ЎзР Мудофаа вазирлиги, 2017 йил 27 ноябрь ЎзР Миллий хавфсизлик хизмати 2017 йил 27 ноябрь	№ 1 11.01.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида" № 2678-1, 2017 йил 14 декабрь ЎзР МБ № 33/3, 2017 йил 2 декабрь	№ 1 11.01.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" № 1815-2, 2017 йил 21 декабрь ЎзР МБ № 32/18, 2017 йил 25 ноябрь	№ 1 11.01.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида" № 2758-2, 2018 йил 8 февраль ЎзР МБ № 3/9, 2018 йил 27 январь	№ 14 05.04.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Аҳоли бандлигини тазминлаш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" № 2975, 2018 йил 22 февраль ЎзР МБ № 6/1, 2018 йил 21 февраль	№ 14 05.04.2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР	
Ҳужжат номи	Газета сони ва санаси
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 2678-2, 2018 йил 12 март ЎзР МБ № 3/5, 2018 йил 27 январь	№ 14 05.04.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 1834-7, 2018 йил 9 март ЎзР МБ № 7/8, 2018 йил 24 февраль	№ 15 12.04.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 2933-1, 2018 йил 16 март ЎзР МБ № 7/6, 2018 йил 24 февраль	№ 15 12.04.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг қарори "Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 2694-1, 2018 йил 12 март ЎзР МБ № 335-В-1, 2018 йил 7 февраль ЎзР Давлат божхона қўмитаси № 01-02/12-17, 2018 йил 7 февраль	№ 16 19.04.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Кредит ташкилотлари томонидан кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 2332-2, 2018 йил 16 март ЎзР МБ № 7/3, 2018 йил 24 февраль	№ 16 19.04.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Тижорат банкларида юбилей саналарга бағишланиб зарб қилинган тангаларни сотиб олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" № 527-1, 2018 йил 16 март ЎзР МБ № 2320-1, 2018 йил 27 март	№ 17 26.04.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг қарори "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" № 2320-1, 2018 йил 27 март ЎзР МБ № 322-В-1, 2018 йил 15 март ЎзР Молия вазирлиги № 63, 2018 йил 15 март	№ 17 26.04.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 1545-2, 2018 йил 30 март ЎзР МБ № 9/1, 2018 йил 17 март	№ 17 03.08.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" № 2988, 2018 йил 30 март ЎзР МБ № 7/10, 2018 йил 24 февраль	№ 17 26.04.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида" № 2989, 2018 йил 30 март ЎзР МБ № 7/11, 2018 йил 24 февраль	№ 17 26.04.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 1639-3, 2018 йил 5 апрель ЎзР МБ № 7/7, 2018 йил 24 февраль	№ 17 26.04.2018 й.



МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР КАРТОТЕКАСИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIA VAZIRLIGIDA RUYXATDAN UTKAZILGAN HУЖЖАТЛАР	
Ҳужжат номи	Газета сони ва санаси
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит опера- цияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 2711-2, 2018 йил 27 март ЎзР МБ № 9/10, 2018 йил 17 март	№ 19 03.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Кредит уюшмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги ни- зомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 1815-3, 2018 йил 27 март ЎзР МБ № 9/7, 2018 йил 17 март	№ 19 03.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олув- чилар гуруҳи учун тавakkалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 2707-2, 2018 йил 3 апрель ЎзР МБ № 19/2, 2017 йил 12 август	№ 19 03.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 2364-3, 2018 йил 3 апрель ЎзР МБ № 9/3, 2018 йил 17 март	№ 20 10.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" № 2322-2, 2018 йил 5 апрель ЎзР МБ № 9/5, 2018 йил 17 март	№ 20 10.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ломбардлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш тар- тиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шу- нингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" № 1289-2, 2018 йил 5 апрель ЎзР МБ № 9/4, 2018 йил 17 март	№ 20 10.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 1859-4, 2018 йил 5 апрель ЎзР МБ № 4/2, 2018 йил 3 февраль	№ 20 10.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томони- дан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида" № 2994, 2018 йил 5 апрель ЎзР МБ № 9/6, 2018 йил 17 март	№ 20 10.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томони- дан микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" № 2209-2, 2018 йил 25 апрель ЎзР МБ № 7/9, 2018 йил 24 февраль	№ 22 17.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Мар- казий Банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резерв- лари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шу- нингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган, деб топиш тўғрисида" № 2004-2, 2018 йил 25 апрель ЎзР МБ № 12/7, 2018 йил 31 март	№ 22 17.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун за- хиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тарти- би тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 2696-2, 2018 йил 27 апрель ЎзР МБ № 12/20, 2018 йил 31 март	№ 22 17.05.2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIA VAZIRLIGIDA RUYXATDAN UTKAZILGAN HУЖЖАТЛАР	
Ҳужжат номи	Газета сони ва санаси
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 2709-2, 2018 йил 25 апрель ЎзР МБ № 12/22, 2018 йил 31 март	№ 23 24.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тарти- би тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 2788-2, 2018 йил 25 апрель ЎзР МБ № 2/17, 2018 йил 31 март	№ 23 24.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Мар- казий Банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резерв- лари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида" № 3002, 2018 йил 25 апрель ЎзР МБ № 12/8, 2018 йил 31 март	№ 24 31.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 2693-3, 2018 йил 25 апрель ЎзР МБ № 12/21, 2018 йил 31 март	№ 24 31.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" № 2217-2, 2018 йил 26 апрель ЎзР МБ № 9/14, 2018 йил 17 март	№ 24 31.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида ди- лерлик вазифаларини бажаришга доир шартомалар тузиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида" № 525-8, 2018 йил 26 апрель ЎзР МБ № 48-B-8, 2018 йил 16 апрель	№ 24 31.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек, ун- га ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида" № 1598-3, 2018 йил 1 май ЎзР МБ № 7/15, 2018 йил 24 февраль	№ 24 31.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида" № 3003, 2018 йил 1 май ЎзР МБ № 7/14, 2018 йил 24 февраль	№ 24 31.05.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида" № 905-4, 2018 йил 2 май ЎзР МБ № 14/21, 2018 йил 14 апрель	№ 25 07.06.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Банкларга васийлик қилиш тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 570-3, 2018 йил 2 май ЎзР МБ № 14/19, 2018 йил 14 апрель	№ 25 07.06.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар тарки- бини, банк номи ва манзилни ўзгартириш, уставга киритил- ган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 573-7, 2018 йил 2 май ЎзР МБ № 14/20, 2018 йил 14 апрель	№ 25 07.06.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида" № 1642-3, 2018 йил 7 май ЎзР МБ № 16/1, 2018 йил 28 апрель	№ 25 07.06.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангаларини, шунингдек, 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муома- ладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида" № 3014, 2018 йил 19 май ЎзР МБ № 14/1, 2018 йил 14 апрель	№ 25 07.06.2018 й.



МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР КАРТОТЕКАСИ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР	
Ҳужжат номи	Газета сони ва санаси
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низомнинг 10-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида" № 1727-3, 2018 йил 10 май ЎзР МБ № 16/11, 2018 йил 28 апрель	№ 26 14.06.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Пул ресурсларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" № 1535-1, 2018 йил 12 май ЎзР МБ № 12/13, 2018 йил 31 март	№ 26 14.06.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг қарори "Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 2018 йил 25 май куни 2342-8 ЎзР МБ № 321-В-8, 2018 йил 19 апрель ЎзР Молия вазирлиги № 82, 2018 йил 19 апрель ЎзР Давлат солиқ қўмитаси № 2018-40, 2018 йил 19 апрель	№ 26 14.06.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" № 3022, 2018 йил 9 июнь ЎзР МБ № 20/1, 2018 йил 8 июнь	№ 28 12.07.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида" № 1831-7, 2018 йил 29 июнь ЎзР МБ № 16/20, 2018 йил 28 апрель	№ 28 12.07.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" № 3030, 2018 йил 2 июль ЎзР МБ № 16/18, 2018 йил 28 апрель	№ 28 12.07.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларига кириб-чиқиш тартибини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида" № 574-1, 2018 йил 15 май ЎзР МБ № 14/16, 2018 йил 14 апрель ЎзР Ишқи ишлар вазирлиги, 2018 йил 14 апрель	№ 29 19.07.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 1839-2, 2018 йил 4 июнь куни ЎзР МБ № 16/6, 2018 йил 28 апрель	№ 29 19.07.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" № 511-10, 2018 йил 4 июнь ЎзР МБ № 16/7, 2018 йил 28 апрель	№ 29 19.07.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ўзбекистон Республикаси банкларида аудиторлик текширувларини ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 982-3, 2018 йил 13 июнь ЎзР МБ № 15/1, 2018 йил 21 апрель	№ 29 19.07.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" № 2944-1, 2018 йил 29 июнь ЎзР МБ № 16/8, 2018 йил 28 апрель	№ 29 19.07.2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР	
Ҳужжат номи	Газета сони ва санаси
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" № 3029, 2018 йил 29 июнь ЎзР МБ № 16/9, 2018 йил 28 апрель	№ 29 19.07.2018 й..
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банкларида статистик ҳисоботларни юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида" № 3031, 2018 йил 2 июль ЎзР МБ № 19/2, 2018 йил 26 май	№ 29 19.07.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботни ташкил этиш қоидаларини, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида" № 680-2, 2018 йил 2 июль ЎзР МБ № 9/3, 2018 йил 26 май	№ 29 19.07.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 2364-4, 2018 йил 16 июль ЎзР МБ № 22/6, 2018 йил 30 июнь	№ 34 21.08.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Кредит бюроларининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" № 2318-1, 2018 йил 25 июль ЎзР МБ № 16/25, 2018 йил 28 апрель ЎзР Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, 2018 йил 28 апрель	№ 34 21.08.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида" № 2014-13, 2018 йил 31 июль ЎзР МБ № 22/5, 2018 йил 30 июнь	№ 34 21.08.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" № 3042, 2018 йил 25 июль ЎзР МБ № 16/23, 2018 йил 28 апрель	№ 35 30.08.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 1948-15, 2018 йил 9 августда ЎзР МБ № 24/7, 2018 йил 14 июль	№ 36 07.09.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг қимматбаҳо металлдан тайёрланган тангаларини сотиш ва қайтариб харид қилиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" № 3056, 2018 йил 20 август ЎзР МБ № 24/5, 2018 йил 14 июль	№ 36 07.09.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 3002-1, 2018 йил 30 августда ЎзР МБ № 27/5, 2018 йил 18 август	№ 40 04.10.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари баланснинг актив ва пассивларидаги валюта ҳисобварақлари қолдиқларини қайта баҳолаш қоидаларининг II бўлими 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида" № 535-2, 2018 йил 5 сентябрда ЎзР МБ № 26/6, 2018 йил 28 июль	№ 40 04.10.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Банка алоқадор бўлган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида" № 2706-2, 2018 йил 6 сентябрь ЎзР МБ № 27/13, 2018 йил 18 август	№ 40 04.10.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори "Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 2527-2, 2018 йил 28 сентябрь ЎзР МБ № 329-В-2, 2018 йил 27 август ЎзР Молия вазирлиги № 123, 2018 йил 27 август	№ 43 25.10.2018 й.



МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР КАРТОТЕКАСИ


ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР	
Ҳужжат номи	Газета сони ва санаси
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Очиқ валюта мавқеини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" № 1497-3, 2018 йил 11 октябрь ЎзР МБ № 29/8, 2018 йил 8 сентябрь	№ 43 25.10.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" № 773-37, 2018 йил 15 октябрь ЎзР МБ № 29/3, 2018 йил 8 сентябрь	№ 45 08.11.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 1948-16, 2018 йил 25 октябрь ЎзР МБ № 30/8, 2018 йил 22 сентябрь	№ 45 08.11.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг қарори "Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 2886-2, 2018 йил 25 октябрь ЎзР МБ № 343-В-2, 2018 йил 24 сентябрь ЎзР Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти № 42, 2018 йил 24 сентябрь	№ 45 08.11.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" № 3079, 2018 йил 25 октябрь ЎзР МБ № 30/13, 2018 йил 22 сентябрь	№ 46 15.11.2018 й.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР	
Ҳужжат номи	Газета сони ва санаси
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг юридик шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида" № 1140-5, 2018 йил 25 октябрь ЎзР МБ № 30/15, 2018 йил 22 сентябрь	№ 46 15.11.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 1863-6, 2018 йил 26 октябрь ЎзР МБ № 30/9, 2018 йил 22 сентябрь	№ 46 15.11.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" № 3080, 2018 йилнинг 25 октябрь ЎзР МБ № 30/14, 2018 йил 22 сентябрь	№ 46 15.11.2018 й.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори "Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" № 1948-16, 2018 йил 25 октябрь ЎзР МБ № 30/8, 2018 йил 22 сентябрь	№ 47 22.11.2018 й.

ЭЪТИРОФ

“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” ISO 9001:2015 СТАНДАРТИ СЕРТИФИКАТИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз молия секторига тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, рискларни бошқаришнинг замонавий таъминлари жорий қилинмоқда.



“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки ISO 9001:2015 сифат менежменти тизими аудитидан муваффақиятли ўтиб, мувофиқлик сертификатини қўлга киритди. Бу – банк томонидан истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини доимий қондириб бориш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг яна бир маҳсулидир.

– “Қишлоқ қурилиш банк” илғор

хорижий тажрибаларни ва замонавий хизматларни жорий этиш орқали Ўзбекистон молия бозоридаги ўрни ва иштирокини кенгайтириб бормоқда, – деди банкнинг **Стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Облоёр Шарипов**. – Сифат менежменти тизимининг жорий этилиши банкимиз учун стратегик аҳамиятга эга. Натижаларни яхшилаш учун мустаҳкам пойдевор ҳозирлаш ва умумий олганда банкнинг барқарор ривожланишини таъминлашда бу муҳимдир. Мижозларнинг талаб ва истакларини қондириш банкни стратегик ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. ISO 9001 сифат менежментининг устунлиги шундаки, унда фаолият давомида хавф ва қалтисликларни бартараф қилишга йўналтирилган жараёнлар жорий этилган. Эндиликда банкимиз мижозларга хизмат кўрсатишда, янги маҳсулотлар ва хизматларни яратишда ISO 9001 да акс этган сифат менежменти принципларига таянади.

ISO 9001:2015 сифат менежменти истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган тизимдир. Мазкур стандартларга мувофиқлик мижозларнинг банкка бўлган муносабатларини таҳлил қилиш ва улар билан ишлаш жараёнларини ташкил этиш мезонлари учун асос яратди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ва хизматлар қўламини кенгайтиришга имкон беради.

2018 йил якунида Сертификатлаштириш уюшмасининг “Russian Register” (Россия) халқаро сертификатлаш органи аудиторлари гуруҳи “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкни Сифат Менежменти Бошқарув Тизими (RVI, IAF) талабларига жавоб берадиган ISO 9001: 2015 сертификатига мос деб топди.

“ТРАСТБАНК” ХАЛҚАРО СТАНДАРТ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ ТОПИЛДИ

Мазкур Сифат Менежменти банк мижозлари учун қўллаб қўлайликлар яратади. Унинг афзалликлари шундаки, белгиланган банк таваккалчилигини баҳолаш мезонлари тақомиллашди, кредитлаш қўламини кенгайтириш ва иш услубини тубдан яхшилаш, мижозларнинг банкка нисбатан ишончли ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлаш бўйича чоралар қўрилади.

Хусусан, бу жараёнда мижозлар банк хизматларининг юқори талабда бўлганлигини ҳис этадилар. Шунингдек, мижозлар эҳтиёжларининг ҳисобга олинишини кафолатлаш ва банк узоқ муддатли ривожланиш дастури билан ишончли шерик сифатида хизмат кўрсатишнинг энг юқори стандартларини таъминлаш лозим бўлади. Бундай кафолатларнинг самарали ва универсал эътироф этилган воситаларидан бири эса банкнинг Сифат Менежменти тизими ISO 9001:2015 стандарти талабларига мувофиқлигини сертификатлашдир.

Мазкур йўналишда ишлаб чиқилган Бошқарув таъминлари эса рақобатбардош банк яратишда халқаро ҳамжамиятнинг энг ях-



ши тажрибасини, шу билан бирга, муваффақиятли бизнеснинг барча элементларини ва дунёдаги энг яхши бошқарув амалиётларини ўз ичига олади.

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкда мазкур Бошқарув тизимини яратиш банк хизматларининг барча турлари учун амалга оширилди. Бугунги кунда бу тизим Бош офис, Амалиёт бошқармаси, банкнинг “Дархон” ва Самарқанд филиаллари фаолиятида жорий этилган. Кейинчалик эса эса Сифат Менежменти тизимини банкнинг барча худудий филиалларида босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилмоқда.

СТАТИСТИКА

Республика товар-хомуш биржасида
2018 йил 29 декабрдан 2019 йил 5 январгача бўлган
биржа (ички бозор) маҳсулотларининг котировкаси

Маҳсулотларнинг номи	Жорий котировка* (сўмда тоннаси учун)	Нархлардаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
Соса-Cola 1,5L қадоқланган 6 ПЭТ 1,5л (дона)	34 212	-	0	0%
Fanta Apelsin 1,5L қадоқланган 6 ПЭТ 1,5л (дона)	34 212	-	0	0%
Автобензин АИ-80	4 295 086	▼	-182 101	-4,1%
Автобензин АИ-91	6 268 132	▲	284 236	4,8%
Автобензин АИ-95	9 134 000	-	0	0%
Азот-фосфорли калий NPK 5:14:14 (қолда)	2 082 220	-	0	0%
Азот-фосфор ўғит (қолда)	1 751 868	-	0	0%
Аммиак селитра "А" (қадоқланмаган)	1 442 524	-	0	0%
Аммофос 46:10 (қолда)	3 309 643	▼	-82 677	-2,4%
Арматура 25 ст 35 ГС	5 488 734	▲	1 188	0,02%
Бетон қоришмаси БСТ В15 М-200 (куб.м)	380 000	-	0	0%
Қурилиш битуми БН 90/10	3 971 103	-	0	0%
Дизель ёқилгиси	7 956 170	▼	-97 072	-1,2%
Дизель ёқилгиси ЭКО	8 847 864	▲	603 509	7,3%
Сундирилмаган оҳак 1-нав (қолда)	634 800	-	0	0%
Карбамид "А" (қадоқланмаган)	1 909 641	-	0	0%
Квадрат 20 ст 3 СП	5 965 777	-	0	0%
Техник керосин	7 648 683	-	0	0%
Озиқ-овқат сирка кислотаси, 70%	9 209 700	-	0	0%
Нефть кокиси	2 367 498	-	0	0%
Ем аралашмаси	1 185 875	▲	30 173	2,6%
Доира 120 ст 3 СП	5 636 843	-	0	0%
Линт 1-нав тип Б (олий класс)	3 367 133	-	0	0%
Линт 2-нав тип Б (олий класс)	3 000 010	-	0	0%
Лист г.к 16,0x1500x6000 мм 3 сп пс 5	8 350 000	-	0	0%
Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л	7 830 780	▼	-657 992	-7,8%
Саноат мойи И-50А	5 317 455	▲	22 253	0,4%
Мотор мойи DELCOR GTI SuperSAE15w40APICI-4 (литр)	26 200	-	0	0%
Писта ёғи	6 398 802	-	0	0%
Рулонли фольгасиз гидроизоляцияцион том ёпиш материали, ТПП қалинлиги 4 мм (қв.м)	4 000 000	-	0	0%
Мис ўрамаси	50 988 151	▼	-1 601 336	-3,0%
Бугдой уни, олий нав	2 157 905	▼	-237 071	-9,9%
Ўҳжалик совуни, 70% (дона)	2 494	-	0	0%
Натрий бикарбонат – ош содаси, 1-нав (қолда)	3 988 999	▲	316 778	8,6%
Полипропилен J-550S	12 581 910	-	0	0%
Полиэтилен F-0120	14 149 444	▲	160 752	1,1%
Портландцемент ССПЦ М-400 Д20 (қолда)	570 156	▲	10 896	1,9%
Сим 6,3 ст 3	7 630 999	▲	74 539	1,0%
Ем учун дон 3-класс	1 787 168	▲	265 542	17,5%
Ем учун дон 4-класс	2 018 257	-	0	0%
Ем учун дон 5-класс	1 397 448	▼	-115 904	-7,7%
Шакар (импорт)	4 500 000	-	0	0%
Суюлтирилган газ	2 553 527	▼	-126 622	-4,7%
Мойли солидол смазка	13 116 196	▲	0	0%
Кальцийлаштирилган сода (қолда)	1 945 463	▲	10 014	0,52%
Техник туз	370 001	▲	120 001	48,0%
Алюминий қотишмалари АК7	15 125 000	▲	544 700	3,7%
Пўлат тунука г.к 6x1500x6000	7 650 000	-	0	0%
Пўлат сим ВР-1 д 5мм	6 800 000	-	0	0%
Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм	20 734	-	0	0%
Шиша банка 3 л (дона)	2 280	-	0	0%
Сульфат аммоний (қадоқланмаган)	1 398 352	▲	136 755	10,8%
Калий сульфати (қадоқланмаган)	10 555 550	-	0	0%
Суперфосфат (қадоқланмаган)	802 400	-	0	0%
Труба 114x4 (метр)	86 286	-	0	0%
Пўлат квадрат труба 125x125-4,0 мм (метр)	119 995	-	0	0%
Бурчак 35 ст 3 СП	6 013 500	-	0	0%
Кўмир СССШ-13	313 043	▼	-1 602	-0,5%
Швеллер 12	8 890 000	-	0	0%
Пахта чигити шелухаси	1 492 367	▲	67 610	4,7%
Шифер 8 тўлқинли	31 000	-	0	0%
Шрот (кунгабоқар)	1 432 123	▼	-1 067 877	-42,7%
Шрот (соя)	4 500 000	▼	-817 224	-15,4%
Пахта чигити шроти (кунжараси)	2 073 502	▲	39 665	2,0%
Арпа	1 350 000	-	0	0%

* Маҳсулотлар котировкаси охириги ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охириги савдолар натижалари асосида шакллантирилади.

Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка ваарагидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий Банки томонидан
2019 йил 8 январдан бошлаб ўрнатилган
хорижий валюталарнинг сўмга
нисбатан расмий курси

Валюта номи	Курс	Курсдаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
1 АҚШ доллари	8 337,07	▲	0,82	0,01%
1 Евро	9 498,42	▼	-34,92	-0,37%
1 Россия рубли	123,36	▲	3,51	2,93%
1 Англия фунт стерлинги	10 609,76	▲	18,55	0,18%
1 Япония иенаси	76,83	▲	1,22	1,61%
1 БАА дирхами	2 269,95	▼	-0,02	0,00%
1 Афғонистон афғониси	110,87	▼	-0,50	-0,45%
1 Арманистон драми	17,28	▼	-0,02	-0,12%
1 Аргентина песоси	223,27	▼	2,03	0,92%
1 Австралия доллари	5 929,32	▲	59,77	1,02%
1 Озарбайжон манати	4 924,44	▲	0,49	0,01%
1 Бангладеш такаси	99,87	▼	-0,41	-0,41%
1 Болгария леви	4 858,72	▼	-19,13	-0,39%
1 Бахрайн динари	22 127,16	▲	-0,76	0,00%
1 Бруней доллари	6 134,71	▲	32,93	0,54%
1 Бразилия реали	2 243,92	▲	95,62	4,45%
1 Беларусь рубли	3 840,55	▼	-23,30	-0,60%
1 Канада доллари	6 234,72	▲	121,76	1,99%
1 Швейцария франки	8 452,87	▼	-18,07	-0,21%
1 Хитой юани	1 214,20	▲	1,74	0,14%
1 Куба песоси	8 337,07	▲	0,82	0,01%
1 Чехия кронаси	371,84	▲	0,91	0,25%
1 Миср фунти	466,80	▼	-0,48	-0,10%
1 Грузия лариси	3 134,24	▲	0,31	0,01%
1 Венгрия форинти	29,63	▼	-0,06	-0,20%
1 Исроил шекели	2 249,25	▲	32,99	1,49%
1 Ҳиндистон рупийси	119,89	▲	0,66	0,55%
1 Эрон риали	0,20	-	0	0%
1 Қирғизистон соми	119,61	▲	0,01	0,01%
1 Жанубий Корея вони	7,47	-	0	0%
1 Кувайт динари	27 501,47	▲	19,03	0,07%
1 Қозоғистон тенгеси	22,18	▲	0,29	1,32%
1 Малайзия ринггити	2 016,71	▲	7,98	0,40%
1 Польша злотийси	2 213,83	▼	-4,20	-0,19%
1 Сингапур доллари	6 134,71	▲	32,04	0,53%
1 Тожикистон сомони	884,31	▼	-0,02	0,00%
1 Туркменистон манати	2 388,85	▲	0,24	0,01%
1 Янги турк лираси	1 564,15	▼	-17,23	-1,09%
1 Украина гривнаси	299,95	▼	-1,00	-0,33%
1 СДР	11 594,70	▲	0,73	0,01%

ЎЗРВБ савдоларида АҚШ долларининг
сўмга нисбатан ўрнатилган
курси динамикаси

Сана	курс	USD/UZS		
		динамика	ўзгариш	ўзгариш (%)
2018 й. 7 декабрь	8317,0	▲	11,00	0,13%
2018 й. 10 декабрь	8323,0	▲	6,00	0,07%
2018 й. 11 декабрь	8330,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 12 декабрь	8326,0	▼	-4,00	-0,05%
2018 й. 13 декабрь	8320,0	▼	-6,00	-0,07%
2018 й. 14 декабрь	8329,0	▲	9,00	0,11%
2018 й. 17 декабрь	8337,0	▲	8,00	0,10%
2018 й. 18 декабрь	8341,0	▲	4,00	0,05%
2018 й. 19 декабрь	8345,0	▲	4,00	0,05%
2018 й. 20 декабрь	8336,0	▼	-9,00	-0,11%
2018 й. 21 декабрь	8332,0	▼	-4,00	-0,05%
2018 й. 24 декабрь	8327,0	▼	-5,00	-0,06%
2018 й. 25 декабрь	8335,0	▲	8,00	0,10%
2018 й. 26 декабрь	8331,0	▼	-4,00	-0,05%
2018 й. 27 декабрь	8337,0	▲	6,00	0,07%
2018 й. 28 декабрь	8348,0	▲	11,00	0,13%
2018 й. 29 декабрь	8341,0	▼	-7,00	-0,08%
2019 й. 4 январь	8339,0	▼	-2,00	-0,02%
2019 5 январь	8334,0	▼	-5,00	-0,06%
2019 7 январь	8340,0	▲	6,00	0,07%

СТАТИСТИКА

2018 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси истеъмол секторидagi инфляция даражаси

2018 йилнинг декабрь ойида мамлакат истеъмол бозоридagi маҳсулотлар ва хизматлар нархлари ўртача 2,1 фоизга ошди

Истеъмол нархлари индекси

	2018 й., декабрь	
	2018 й., ноябрь	2017 й., декабрь
Истеъмол нархлари индекси	102,1	114,3
шундан:		
озиқ-овқат маҳсулотлари	103,2	114,9
ноозиқ-овқат маҳсулотлари	101,3	112,5
хизматлар	101,3	115,8

2018 йил давомида ИНИнинг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,1 % ни ташкил этиб, иқтисодиётга инфляция босим сентябрь ойидан бошлаб кучайиб борган. Жумладан, 2018 йилнинг охиригача ўртача ойи давомида товар ва хизматларнинг истеъмол нархлари ўсиш даражаси 7,6 %ни ташкил этди.

2018 йил декабрь ойида товарлар нархи ўртача 2,3 %, йил бошидан эса 13,8 % га қimmatлашган бўлса-да, ушбу гуруҳ индекси истеъмол секторидagi умумий йиллик инфляция даражасидан бирмунча пастроқ даражани ташкил этди (14,3 %).

Ой давомида товарлар нархи сезиларли даражада қimmatлашиши январь (3,0 %) ҳамда декабрь (2,3 %) ойларида қайд этилган. 2018 йилнинг июн ва июль ойларида (0,6 % ва 0,5 %) эса аксинча, товарларнинг умумий нархлар даражасининг пасайиши, мева-сабзавот нархларининг сезиларли даражада арзонлашганлиги билан бевосита боғлиқ.

2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан товарларнинг истеъмол нархлари индекси ўзгариши, умумий ҳисобда йиғма индекснинг ўзгариши тенденциясини таққорлайди. 2018 йил декабрь ойидagi хизматлар тарифи нархлари товарлар гуруҳи нархлари даражасига нисбатан пастроқ суръатда кўтарилди. Хизматлар тарифлари декабрь ойи давомида ўртача 1,3 %га ошди. Умумий ҳисобда 2018 йил мобайнида ушбу соҳадagi тарифлар нархларининг ўсиш даражаси 15,8 % ни ташкил этди.

Йирик гуруҳлар бўйича нархларнинг ойлик таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йил давомида хизматлар тарифи ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган (ушбу гуруҳларнинг ўтган ойга нисбатан ИНИ доимий равишда 100,0 %дан ортиқни ташкил этган). Ҳар ойдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархлар ўзгариши бирмунча кенг диапазонга эга бўлган (январь ойидagi максимал ўсишдан (3,5 %) то июль ойидagi максимал пасайишгача (-2,3 %)). Йил бошидан буён нархлар ўзгариши таҳлилига кўра, ушбу гуруҳ нархлари ўзгариши бир-бирига нисбатан ўхшаш вазиятни кўрсатади: 12 ой давомида хизматлар 15,8 %, озиқ-овқат маҳсулотлари 14,9 % ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 12,5 %га ошган.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси. Юқорида қайд этилганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ой давомида ўртача 3,2 %га ошгани умумий ИНИ даражасининг 1,4 ф.д.га кўтарилишига замин яратди. 2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан нархларининг 14,9 %га қimmatлашганлиги эса умумий кўрсаткичнинг 6,4 ф.д.га ортишига сабаб бўлди. Ўртача йиллик нархлар ўзгариши ифодасига кўра (2018 йил январь-декабрь 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан) озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача 20,1 %га қimmatлашган.

Алоҳида турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларининг истеъмол нархлари индекси (%да)

	2018 й., декабрь	
	2018 й., ноябрь	2017 й., декабрь
озиқ-овқат маҳсулотлари	103,2	114,9
нон маҳсулотлари	102,4	128,5
гўшт, парранда ва балиқ	101,3	121,7
сут маҳсулотлари	102,2	112,9
тухум	100,2	99,5
ёғ ва мойлар	102,0	108,7
мева-сабзавот маҳсулотлари	110,0	104,7
шакар, чой ва бошқа қандолат маҳсулотлари	102,0	102,6
алкоголсиз ичимликлар	100,3	104,8
спиртли ичимликлар	101,7	115,8

2018 йилнинг декабрь ойи давомида умумий ИНИ ўсишига таъсир даражаси бўйича етакчилик озиқ-овқат товарларининг мева-сабзавот гуруҳи маҳсулотларига тегишлидир (1,4 ф.д.дан 0,8 ф.д.).

Иккинчи ўрин нон маҳсулотлари гуруҳи ҳиссасига тўғри келади (1,4 ф.д.дан 0,2 ф.д.). Учинчи ўринни эса бир қанча гуруҳлар банд этган: гўшт ва балиқ, сут, ёғ-мой ҳамда шакар, чой ва бошқа озуқа маҳсулотлари (ҳар бир гуруҳнинг ҳиссаси 0,1 ф.д.) шулар жумласидандир.

2017 йилнинг охирига нисбатан туҳум нархларидан ташқари (йил давомида 0,5 %га арзонлашганлигини нисбатан олмаганда) озиқ-овқат маҳсулотларидан деярли барча асосий гуруҳларида нархларнинг қimmatлашиш ҳолати қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича алоҳида турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси (%да)

	2018 й., декабрь	
	2018 й., ноябрь	2017 й., декабрь
бугдой уни	102,1	114,4
вермишель, макаронлар ва ҳ.к.	101,8	109,9
олий навли ундан нон	101,1	155,9
биринчи навли ундан нон	103,1	169,0
обинон	102,9	113,0
гуруч	103,4	162,5
мол гўшти (суяксиз гўштдан ташқари)	100,7	126,9
суяксиз мол гўшти	100,0	114,9
қўй гўшти	100,9	124,6
парранда гўшти (товуқ болдиридан ташқари)	103,8	105,3
товуқ болдири ва сон қисмлари	104,3	106,4
тирик ва музлатилган балиқ	101,5	137,2
сут	102,0	118,0
тухум	100,2	99,5
сариеғ	102,4	113,2
пахта ёғи	102,3	111,1
шакар	100,4	88,5
ароқ ва спиртли ичимликлар	101,6	118,0

Декабрь ойида ҳам асосий турдаги нон маҳсулотлари нархлари қimmatлашишда давом этди. Ун, нон ва нон маҳсулотлари, гуруч, ёрма ва дуккакли маҳсулотлар нархлари ой давомида 0,7 % – 3,4% доирасида қimmatлашди.

2018 йилнинг декабрь ойи давомида гўшт ва парранда гўшти маҳсулотлари нархи ўртача 1,3 %, йил мобайнида эса 21,2 %га қimmatлашган. Балиқ ва балиқ консервалари нархлари декабрь ойида 1,6 %, йил давомида эса 30,4 %га кўтарилган. Ой давомида қўй ва суяксиз мол гўшти нархларининг юқори даражада қimmatлашганлиги 2018 йилнинг июнь ойида қайд этилган бўлиб, ўсиш суръати мос равишда 6,4 % ҳамда 6,0 %ни ташкил этган. Умумий ҳисобда йил давомидаги нархлар ўзгариши қуйидаги кўринишга эга: суякли мол гўшти нархлари 26,9 %, қўй гўшти 24,6 %, суяксиз мол гўшти 14,9 %га қimmatлашди.

Паррандачилик маҳсулотлари нархлари август ойидан бошлаб барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлди. Жумладан, август-декабрь ойлари давомида туҳум нархлари 32,1 %, парранда гўшти (сонлардан ташқари) 20,6 %, товуқ болдири ва сон қисмлари 12,7 %га ўсди.

2018 йилнинг декабрь ойида мева ва сабзавотлар нархининг юқори даражада кўтарилганлиги қайд этилди (10,0 %). Умумий ҳисобда, 2018 йил давомида мева-сабзавотлар нархлари ўртача 4,7 %га қimmatлашди.

Йил бошидан ўтган давр мобайнида мева-сабзавот маҳсулотлари нархлари ўзгариши таҳлилига кўра, нархлар кўтарилишининг энг юқори чўққиси жорий йилнинг апрель ойида қайд этилган (2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан 19,5 %). Энг паст нарх даражаси эса август ойида кузатишган (2017 йилнинг охирига нисбатан 20,5 %га пасайган). Май ойидан

августгача бўлган вақтда (бозорларнинг янги ҳосил билан тўйиниши даври) мева-сабзавот маҳсулотлари нархи 33,5 %га пасайиб, сўнгги 4 ой давомида эса нархлар ўртача 31,7 %га ошган.

2018 йилнинг декабрь ойида мева-сабзавотлардан бодринг нархи максимал даражада қimmatлашиб (ой давомида 1,9 марта), сабзи нархи эса аксинча арзонлашганлиги (2,9 %) қайд этилди. 2017 йил охирига нисбатан карам нархи бошқа сабзавотларга қараганда бирмунча юқори даражада қimmatлашиб (2,4 марта), саримсоқ пиёз нархи эса сезиларли даражада арзонлашди (42,8 %).

2018 йил декабрь ойида мева-сабзавот нархлари ўзгаришини ҳисобга олмаганда, озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси ўтган ойга нисбатан 101,9 %, 2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан эса 116,9 %ни ташкил этган.

Ноозиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси. 2018 йилнинг декабрь ойида ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг 1,3 %га қimmatлашиши умумий ИНИнинг ой давомида 0,4 ф.д.да ошишига олиб келди. 2018 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг 12,5 %га ошганлиги, жорий даврдagi умумий ИНИ кўрсаткичининг 4,4 ф.д.да ортишига таъсир кўрсатади.

Алоҳида турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси (%да)

	2018 й., декабрь	
	2018 й., ноябрь	2017 й., декабрь
ноозиқ-овқат маҳсулотлари	101,3	112,5
кийим-кечак	101,9	111,6
пойабзал	101,2	110,3
газлама ва эшилган иплар	102,2	110,7
маиший тўқимачилик маҳсулотлари	102,1	111,5
маданият моллари	100,8	101,2
қурилиш материаллари	100,0	118,6
дори-дармонлар	100,9	105,3
шахсий гигиена маҳсулотлари	102,3	108,6
тамаки маҳсулотлари	104,9	128,0
автомобиллар учун ёқилғи	100,0	123,4
шахсий транспорт	100,2	107,0
китоблар, газеталар ва журналлар	100,4	116,4
алоқа воситалари	103,1	108,5
ювиш ва тозалаш воситалари	102,8	106,4

2018 йилнинг декабрь ойи давомида ноозиқ-овқат маҳсулотларидан тамаки маҳсулотлари (4,9 %) ҳамда алоқа воситалари (3,1 %) нархлари бирмунча юқори даражада қimmatлашди. Бироқ истеъмол секторидagi умумий инфляция даражасига гуруҳнинг салмоқ вази ҳисобга олингандаги таъсири бўйича етакчилик кийим-кечак гуруҳига тегишлидир (нархлар 1,9 %га, таъсири эса 0,13 ф.д.га тенг). Эраклар, аёллар ва болаларнинг қишки мавсум кийимлари нархларининг ошганлиги мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида кузатишган (куртка, пальто, свитер ва ҳ.к.). Нархларнинг қimmatлашганлиги асосий омилардан бири ушбу маҳсулотларга нисбатан мавсумий талабнинг ортиши, шунингдек, миллий валютанинг қийматининг АҚШ долларига нисбатан пасайишидир.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари индексининг ошишига таъсир даражаси бўйича етакчи ўринларни қурилиш материаллари (0,8 ф.д.), кийим-кечаклар (0,8 ф.д.), автомобиллар учун ёқилғилар (0,6 ф.д.), кўмир (0,5 ф.д.) ва оёқ кийими нархларига (0,3 ф.д.) тааллуқлидир. Юқорида санаб ўтилган жами гуруҳ нархларининг қimmatлашганлиги умумий ИНИнинг кўтарилишига 3,0 ф.д.да таъсир этди.

Тамаки маҳсулотлари нархлари январь (8,8 %), май (5,9 %), сентябрь (6,0 %) ва декабрь ойларида (4,9 %) сезиларли даражада қimmatлашди. Йил давомида тамаки маҳсулотлари нархи ўрта ҳисобда 28,0 %га ошди. Шахсий гигиена маҳсулотлари нархларининг сезиларли даражада қimmatлашганлиги январь ва декабрь ойларида қайд этилган (ой давомида ўртача 2,7 % ва 2,3 %). Айнан шу ойларда маиший тўқимачилик маҳсулотлари нархлари ҳам бирмунча юқори суръатларда ошган (мос равишда 2,5 % ва 2,1 %).

Frost&Sullivan халқаро консалтинг компанияси тадқиқотларига кўра, дунёнинг энг йирик онлайн-банк — Россиянинг "Тинькофф банки"дир. Банк асосчиси Олег Тиньков номи эса иқтисодиётнинг яна кўпгина тармоқлари билан бевосита боғлиқ. Жумладан, у "Техношок" машиный техникалар дўкони ва "Тинкофф" рестороанлар тармоғи, музлатилган яримфабрикатлар ишлаб чиқарувчи "Дарья" фабрикаси асосчиси, шу билан бирга, "Music Shock" ва "Shock Records" муסיқий дўконлар лойиҳаси раҳбари ҳамдир.

ОНЛАЙН-БАНК ЭГАСИДАН ЗАРУР МАСЛАХАТЛАР

Айни кунда кўпчилик Китобхонларнинг қизиқишига сабаб бўлган "Инқилоб: Дунёдаги энг йирик онлайн-банкни қандай қуриш мумкин?" номли китобнинг муаллифи ҳам у. Олег Тиньковнинг бизнесдаги шахсий муваффақиятлари асосида ёзилган ушбу асар ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларга асқотиши табиий. Шу боис, қуйида муаллифнинг айрим маслаҳатларидан парчалар келтириб ўтамиз.



ЗАРАРГА НИСБАТАН ТОҚАТСИЗЛИК

Ақсарият стартапларнинг инқирозга учрашининг сабаби улар беш йиллик зарарни олдиндан режалаштириб олишади. Бундай лойиҳалар эса беҳуда пулни исроф қилади, холос. "Тинькофф Банк" 2008 йилнинг ноябрь ойида иш бошлаган бўлса-да, 18 ой ўтгач даромад олишни бошлади.

"Биз зарарга тоқат қилолмаймиз. Банк Бошқаруви раиси Оливер Хьюз ҳар бир йўналиш бўйича ўз бизнес-режасига эга. Агар белгиланган муддат ичида йўналиш фойда келтирмаса, у ёпилади. Мен зарарга асло тоқат қилмайман ва буни муваффақиятнинг асосий калити деб биламан. Ҳар қандай компаниянинг бош кўрсаткичи — соф даромаддир", дейди муаллиф.

ХАВОТИР

"Бизнесда фақат хавотирда юридиганларгина тирик қолади. "Тинькофф Банк" тарихига назар ташласангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Бизда ҳеч қачон қатъий ишонч бўлмайди. Ҳар доим шубҳаланамиз, иккиланамиз, ишонмаймиз, бир-биримиз билан баҳслашамиз, маҳсулотдан қониқмаймиз. Чунки ривожланиш учун доимий танқид керак деб ҳисоблайман. Ғарб менталитети биров бошқача. Масалан, Ричард Брэнсон доим "одамларни мақташ керак, яхши нарсалар ижобий муҳитда пайдо бўлади" дейди. Мен эса бошқача ёндашман: болаларимни ҳам, хотинимни ҳам, ходимларни ҳам мақташни ёқтирмайман. Ва бизнинг компаниямизда хавотирли танқидий муҳит ҳукмрон. Бозорда ҳаммасини тўғри бажараётганимизни айтишади, ичкарида эса бундан қониқмаймиз: баҳс-мунозара қиламиз, тортшамиз. Мана шу курашда супермаҳсулотлар яратилади."

АСОСЧИННИНГ ИШТИРОКИ

"Ҳар қандай бизнес ривожини жамоа ҳал қилади, аммо одамларни идеаллаштириш керакмас. Тахминмча, лойиҳаларда компания асосчисининг иштироки муваффақиятга эришиш имкониятини кескин оширади. Банкимизнинг бу қадар ривожиди менинг мунтазам

шу ерда бўлишим асосий роль ўйнаган деб ўйлайман. Одатда банк хўжайинлари офисга кам келишади, мажлисларда ҳам деярли иштирок этишмайди ва ходимлар билан кам мулоқотда бўлишади. Ҳатто ўз ташкилотда кимлар ишлаётганини билмасдан, ички муҳит қандайлигидан беҳабар раҳбарлар ҳам бор. Мен эса бизнесни ҳис қилиш учун ҳар куни олти қаватли бош офисимизнинг ҳар бир қаватида бўламан.

Бир ҳамкасбим ҳар куни статистикани кўриб чиқишимдан ҳайрон қолганди. Бизда 2007 йилдан буён кунлик статистик ҳисобот чиқади. Офисда бўламанми, Камчаткада чанғи учаётган бўламанми ёки Астраҳанда балиқ овлаётган бўламанми, статистик ҳисоботни диққат билан кўздан кечириб чиқаман. Агарда бирор тушунарсиз ёки ғайриоддий кўрсаткичга кўзим тушса, вице-президентга савол билан мурожаат қиламан. Рақамларни кўриб чиқамиз, кўнгилсизликларнинг олдини оламиз."

РЕЖАЛАШТИРИШ МУДДАТИ

"Менежерлар йиллик бонусларни деб банкнинг келгусидаги фаолиятига зарар етказувчи қарор қабул қилмасликлари керак. Биз беш йил кейинни ўйлаймиз, бу йилги фойдани эмас. Кредит бизнесида қисқа масофа бўлмайди.

Эҳтимолий инқирозга бардош бериш учун мустаҳкам асос бўлиши лозим. Агарда кўтарилиш даврида салмоқли даромад олмасангиз, пасайиш даврида зарарга кирасиз. Фақат 12 ой олдинга қарайдиган бўлсангиз, бозор сизни албатта ҳушёр тортириб қўяди. Биз ойига 250 мингта кредит картаси чиқарамиз. Сиёсатимизни бўшаштириб ва рекламага катта эътибор қаратиб, миллионга карта тарқатишимиз мумкин. Бу ажойиб, лекин бемаъни ҳаракат бўлади: олти ойдан кейин ҳолимизга маймунлар йиғлайди."



"КАТТА" БЎЛИШГА ҲАЛИ БОР

"Йиғилишларда кимдир "биз каттамыз" деб қолади, бироқ мен ҳар доим эътироз билдираман. Бу ёлгон ёки бўрттириш эмас. Ҳа, биз жаҳондаги энг йирик онлайн-банкмиз, аммо Россияда кредит ташкилотлари орасида активлар бўйича атиги тўртинчи ўнликда турамиз. Мен "кичкина"ларни эпчил, абжир, дадил деб тушунман — улар вазиятга нисбатан тезда ҳаракат қилишади, бозордаги хатар, муҳит ўзгариши, ички муаммоларга тез жавоб қайтаришади. Ҳозирда банкнинг 7 млн. мижози бор. Мижозларимиз 20. млнга етгандагина ўзимизни "катта" деб ҳисоблаш ҳақида ўйлаб кўрамиз."

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

СУҒУРТАГА ОИД ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР

БИЛАСИЗМИ?..

1. Тарихдаги биринчи суғурта шартномаси 1346 йилда тузилган.

Кар-соқовлар киноактёри Бен Терпин суғуртанинг "экзотик" турларига бўлган модани очган биринчи мижоз бўлди. Утган асрнинг 20-йиллари бошида у ўз кўзларини 20 минг АҚШ долларига суғурталган.



2. Ирландиялик рақос Майкл Флэтнинг оёқлари Гиннес рекордлари китобига кўра, энг чаққон ҳисобланиб, улар 25 млн. долларга суғурталangan.

3. Бир млн. долларга илк мартаба овозни суғурталган кўшиқчи Марлен Дитрих бўлиб, суғурта қиймати ҳатто ўша давр учун ҳам ақл бовар қилмас даражада катта ҳисобланган.

Британиялик кўшиқчи Род Стюарт эса ўзининг хирилдоқ овозини атайлаб даволаб, тоза қилиб қўйишмаслиги учун 6 миллион долларга баҳолаган.

2002 йилда Россияда ҳам суғурталangan овоз пайдо бўлди, Николай Басков ўз овозини суғурталаш учун 2 млн. долларлик шартномага имзо чеқди.

4. Дунёдаги энг қиммат суғурта полиси америкалик режиссёр Стивен Спилберга тегишли — унинг ҳаёти 1,2 млрд. АҚШ долларига суғурталangan.

5. Маълумотларга кўра, Россияда суғуртанинг пайдо бўлишига турли ёнгинлар сабаб бўлган экан. XIII–XVI асрларда Москва шаҳри мўғул-татарлар босқинидан кўп бор азият чеқкан. Шулардан бири 1571 йилда Қрим хони Давлат-Гирей қўшинларининг шаҳарга бостириб кириши оқибатида катта ёнгин содир бўлган. Натижада Москва шаҳри ҳудуди 2 мартабага кичрайиб, аҳоли зурга 30 минг кишини ташкил қилган. Айни шу даврдан бошлаб Россияда ёнгиндан талофат кўрганларга бадал тўлаш борасида илк фикрлар пайдо бўла бошлаган.

6. Фаройиб суғурта турларидан бири Россия суғурта компанияларига тегишли бўлиб, улар 2006 йилнинг ёз ойида ингичка (шпилька) пошналарда югуришни суғурталади. Иштирокчилардан мамлакатнинг тўртта шаҳрида 100 метрлик масофани 9 сантиметрлик пошнада босиб ўтишлари талаб этилди.

7. Жанубий африкалик актриса Керри Уэллис "Стартрек" номли фильмда суратга тушиш учун сочини кал кўринишида олдиришга мажбур бўлган ва шу муносабат билан сочини қайта ўсиб чиқмай қолишидан суғурталangan.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.
Буюртма № г 103.
Адади 2483 нуска.
Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 9.01.2019 й. 9.00.
1 2 3 4 5

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий Банки

"Norma Hamkor" МЧЖ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Р.О. ОХУНОВ

Нашр учун масъул

Б. МУҲАММАДИЕВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Газета тахририятнинг
техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, "Туркистон-пресс" НАО

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,
Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.
e-mail: info@banknews.uz,
www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
71 232-45-32 телефони
орқали мурожаат қилинг.
Факс: 71 232-43-98.

Нашр индекси — 102.